ЎзССР Давлат китоб палатаси
Инв. № 8
Ўзбекистон ССР
26 АПР 1985
ОПИСАНО

БУТУН ДУНЁ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ, ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ВА МИНИСТРЛАР СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

ГАЗЕТА 1918 ЙИЛ 21 ИЮНДАН ЧИҚА БОШЛАГАН • № 97 (19.173). • 1985 йил 26 апрель, жума • Баҳоси 3 тийин.

КПСС XXVII СЪЕЗДИ ШАРАФИГА

1985 йил 23 апрелда Совет Иттифоқи Коммунистик партияси Марказий Комитетининг Пленуми бўлиб ўтди. Пленумда КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари М. С. Горбачев «КПССнинг навбатдаги XXVII съездини чақириш, унга тайёргарлик кўриш ва ўтказиш билан боғлиқ вазифалар тўғрисида» доклад қилди.

КПСС Марказий Комитетининг Пленуми докладни тинглаб ва муҳокама этиб, қарор қилди:

Совет Иттифоқи Коммунистик партиясининг навбатдаги XXVII съезди 1986 йил 25 февралда чақирилсин.

Съездининг қуйидаги кун тартиби тасдиқлансин:

1) КПСС Марказий Комитетининг Ҳисоботи ва партиянинг вазифалари— докладчи КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари ўртоқ М. С. Горбачев.

2) КПСС Марказий ревизия комиссиясининг Ҳисоботи — докладчи КПСС Марказий ревизия комиссиясининг Раиси ўртоқ Г. Ф. Сизов.

3) Янги таҳрирдаги КПСС Программаси тўғрисида.

4) КПСС Уставига киритиладиган ўзгартиришлар ҳақида.

5) СССРни иқтисодий ва социал ривожлантиришнинг 1986—1990 йилларга ва 2000 йилгача бўлган истиқболга мўлжалланган Асосий йўналишлари тўғрисида— докладчи СССР Министрлар Советининг Раиси ўртоқ Н. А. Тихонов.

6) Партиянинг марказий органларини сайлаш.

Пленум қарорида съездга вакиллар нормаси, делегатларни сайлаш тартиби, съездолди ҳисобот-сайлов кампаниясини ўтказиш муддатлари белгиланган.

КПСС Марказий Комитети Бош секретарининг Пленумда қилган докладида мамлакатимизнинг муваффақиятлари кўрсатилган, камчилик ва нуқсонлар очиб ташланган, уларни бартараф этиш йўллари ва воситалари белгиланган, бугунги ва истиқболдаги вазифалар ўртага қўйилган.

Съездгача 10 ой вақт қолди. Бу давр сиёсий, иқтисодий, ташкилий, ғоявий-назарий соҳаларда қизғин ва атрофлича ишлаш даври бўлади. Бу иш вужудга келган вазиятни чуқур идрок этишни, дадил қарорлар қабул этиш ва зўр ғайрат билан ҳаракат қилишни талаб этади.

Пленум партия XXVI съезди билан Марказий Комитетининг кейинги Пленумларида ишлаб чиқилган стратегик йўлнинг давомийлигини яна бир бор тасдиқлади. «Ленинчасига тушунилганда давомийлик муттасил олға ҳаракат қилишни, янги проблемаларни аниқлаб, ҳал этишни, ривожланишга халақит бераётган нарсаларнинг ҳаммасини бартараф қилишни билдиради, — деб таъкидланди докладда. — Биз шу ленинча анъанага оғишмай амал қилишимиз, биз партия сиёсатимизни, ривожланган социализмни такомиллаштиришдан иборат бош йўлимизни бойитиб, ривожлантира боришимиз керак».

Совет мамлакати жамият ҳаётининг барча соҳаларида катта-катта муваффақиятларга эришди. У қудратли, ҳар томонлама ривожланган экономикага, малакали ишчи кадрларга, мутахассислар, олимларга эга. Биз ишлаб чиқаришни, фан ва техникани ривожлантиришнинг кўпгина йўналишларида жаҳонда етакчи позицияларни мустаҳкам эгаллаб турибмиз.

Социал турмушда чуқур ўзгаришлар содир бўлди. Тарихда биринчи марта меҳнат аҳли мамлакат хўжайини, ўз тақдирининг ижодкори бўлиб қолди. Гарантияланган меҳнат қилиш ҳуқуқи ва унга ҳақ тўлаш, жамиятнинг инсон тўғрисида ғамхўрлик қилиши, маънавий маданиятдан кенг баҳраманд бўлиш, шахснинг қадр-қиммати ва ҳуқуқларини ҳурмат қилиш, меҳнаткашларнинг бошқаришдаги иштирокини муттасил кенгайтириб бориш социалистик турмуш тарзининг доимий белгилари, ажралмас белгилари бўлиб қолди. Ана шу бойлик ва белгилар— сиёсий барқарорликнинг, социал оптимизм ва келажакка қонил ишончнинг ғоят муҳим манбаидир.

Аммо ҳаёт бир жойда тўхтаб турмайди. У бундан бўёнги ўзгартишлар ва қайта қуришларни, жамиятнинг сифат жиҳатдан янги ҳолатига эришиш зарурлигини тақозо этмоқда. Гап энг аввало экономикадаги сифат силжишлари, уни интенсив ўсиш изларига ўтказиш, самарадорликни ҳар томонлама ошириш тўғрисида бормоқда.

Пленумда муваффақиятлар билан бир қаторда мамлакатни иқтисодий ривожлантириш соҳасидаги ноқулай тенденциялар, қийинчиликлар ҳам қайд этилиб, уларнинг объектив ва субъектив сабаблари кўрсатиб ўтилди. Ишлаб чиқаришни ривожлантиришнинг объектив шарт-шароитларидаги ўзгаришларга, уни интенсивлашни жадаллаштириш зарурлигига, хўжалик юритиш методларидаги ўзгаришларга ўз вақтида тегишли тарзда баҳо берилмаганлиги ва, энг муҳими, иқтисодий соҳада йирик тадбирларни ишлаб чиқиб, амалга оширишда қатъият кўрсатилмаганлиги бунинг асосий сабабидир. «Биз фан-техника революцияси ютуқларидан кенг кўламда фойдаланиб, социалистик хўжалик юритиш формаларини қозирги шароитлар ва талаб эҳтиёжларга мувофиқлаштириб, социал-иқтисодий тараққиётни анча жадаллаштиришга эришишимиз лозим. Бошқа йўлнинг ўзи йўқ», — деб таъкидланди докладда.

Бизнинг ташкилий-иқтисодий ва социал резерларимиз ғоят катта. Уларни ишга тушириш ва биринчи навбатда одамлар активлаштирилган тақдирда, ҳар бир киши ўз ўрнида виждонан ишлашга эришган, уюшқоқлик ва интизомни кучайтирган тақдирда нисбатан тез самара олиш мумкин. Шу мақсадда шартнома мажбуриятларини ўз вақтида ва сифатли бажариш, исрофгарчиликка, нобудгарчиликларга қаршн қатъиян курашиш ,қувватларни планда белгиланган муддатларда ишга тушириш ва янги ишлаб чиқариш фондларини ўзлаштириш зарур. Ҳар бир корхона ва қурилишда, колхоз ва совхозда, ҳар бир ташкилотда тегишли тартиб ўрнатилмаса, оқилона хўжалик юритиш, экономика самарадорлигини ўстириш тўғрисида гап ҳам бўлиши мумкин эмас.

Пленумда айтиб ўтилганидек, партия фан-техника тараққиётини тубдан жадаллаштириш вазифасини халқ хўжалигини интенсивлашнинг бош воситаси деб билмоқда. Бунда гап амалдаги технологияларни такомиллаштириш, машина ва ускуналарни қисман модернизациялаш тўғрисида эмас, балки принципиал янги технология системаларига, энг юқори самара берадиган энг янги машина-ускуна туркумларига ўтиш тўғрисида бормоқда. Бунинг учун машинасозликни устун даражада ривожлантириш, фан-техника тараққиётини тезлатувчи станкосозлик, ҳисоб техникаси, приборсозлик, электротехника ва электроника каби соҳаларга биринчи даражали эътибор бериш керак.

Маҳсулот сифатини бутун чоралар билан ошириш иқтисодий сиёсатнинг диққат марказида бўлиши лозим. Мамлакатнинг замонавий техникага бўлган талаб-эҳтиёжларини, аҳолининг хилма-хил молларга ортиб бораётган талабини тўлиқроқ қондиришнинг, тақчилликларни бартараф этишнинг бирдан-бир ишончли йўли мана шундадир.

Экономиканинг тез ва сифатли ўсишини таъминлаш учун бошқарувни, умуман хўжалик механизмини жиддий равишда яхшилаш, қозирги замон талабларига мувофиқ қайта қуриш, майда-чуйда ишларга аралашавериш ва ҳаддан ташқари қоғозбозликка барҳам бериш зарур.

Пленумда қайд этиб ўтилганидек, қозир хўжалик механизмини қайта қуриш концепцияси равшанроқ бўлиб қолди. Стратегик вазифаларни ҳал этишдаги марказлаштирилган асосни бундан бўён ҳам ривожлантира бориб, корхоналарнинг ҳуқуқларини, уларнинг мустақиллигини кенгайтириш йўлидан дадил олға ҳаракат қилиш, хўжалик ҳисобини жорий этиш ва шу асосда меҳнат коллективларининг масъулиятини ҳамда пировард иш натижаларидан манфаатдорлигини ошириш лозим. Экспериментдан хўжалик юритиш ва бошқаришнинг яхлит системасини яратишга ўтиш керак. Бунда планлаштиришни, бошқарувнинг ташкилий структураларини такомиллаштириш, хўжалик ҳисоби принципларини бошланғич меҳнат ячейкаларига, ҳар бир иш жойига етказиш лозим.

Бошқаришда, меҳнаткашларнинг талаб-эҳтиёжларини қондиришда республика органлари билан маҳаллий органларнинг масъулиятини ошириш ҳам муҳимдир. Бунинг учун маҳаллий органларнинг ҳуқуқларини бундан бўён ҳам кенгайтириб бориш, уларнинг ишлаб чиқаришни ривожлантиришдаги, ресурслардан фойдаланишдаги, аҳолига хизмат кўрсатишнинг барча соҳаларини йўлга қўйишдаги ташаббускорлигини ва манфаатдорлигини кучайтириш зарур.

Партия халқнинг фаровонлигини муттасил ошириб боришни мамлакатнинг социал-иқтисодий тараққиётини жадаллаштиришнинг олий маъноси деб билади, бунинг учун: моддий ва маънавий неъматларни тақсимлашда социал адолатни мустаҳкамлаш; тақсимот механизмини бараварлаштиришдан, меҳнат қилмай топилган даромадлардан тозалаш борасида таъсирчан чораларни ишлаб чиқиш; ҳар бир ходим ва ҳар бир коллективнинг моддий аҳволи улар меҳнатининг натижаларига бевосита боғлиқ бўлишини таъминлаш зарур.

Озиқ-овқат программасини амалга ошириш кечиктириб бўлмайдиган, алоҳида эътибор беришни талаб қилаётган вазифадир. Гарчи кейинги йилларда қишлоқ хўжалигини ривожлантиришда ижобий ўзгаришлар содир бўлса-да, колхоз ва совхозлар, қайта ишлаш корхоналари озиқ-овқат маҳсулотлари етиштиришни анча кўпайтириш имкониятларига эгадирлар. Вазифа ана шу имкониятлардан тўлиқроқ фойдаланишдан, бундаги барча мавжуд резерврларни ишга туширишдан иборат. Агросаноат комплексини бошқариш ҳам тобора такомиллаштирилиши лозим, бунинг учун уни барча босқичларда яхлит, бир бутун комплекс сифатида бошқариш, планлаштириш ва пул билан таъминлаш имконини берадиган тадбирларни амалга ошириш керак.

Саноат моллари ва маиший хизматга бўлган талаб-эҳтиёжни тўлиқроқ қондириш учун ҳам кўп иш қилиш, шу молларнинг сифатини яхшилаш ва хилини кўпайтириш, бозорда уларни мўлкўл қилиш лозим бўлади. Халқ истеъмол моллари ишлаб чиқариш ва маиший хизмат соҳасини ривожлантириш комплекс программаси шу мақсадларга эришишга хизмат қиладн, бу программа яқин вақт ичида тасдиқланади. Меҳнаткашларнинг ўз даромадларидан уй-жой ва маданий-маиший шароитларини яхшилашда, дам олиш, саёҳат қилиш ва бошқа мақсадларда фойдаланиш истагини қондиришга ҳар жиҳатдан кўмаклашиш керак.

Бугунги кунда соғлиқни сақлашнинг ва халқ маорифи олдида янги вазифалар пайдо бўлмоқда. Соғлиқни сақлаш моддий-техника базаси, медицина хизматининг сифати, аҳолини дори-дармон билан таъминлаш жиддий яхшиланишга муҳтождир. Ёш авлодларни ўқитиш ва тарбиялаш, уларни ижтимоий-фойдали меҳнатга тайёрлаш сифатини тубдан яхшилаш лозим. Мактаб ислоҳотида кўйилган вазифаларни ҳал этишга юзаки эмас, балки мазмунли муносабатда бўлиш талаб этилади. «Инсонга, унинг меҳнати, моддий фаровонлиги ва дам олишига тааллуқли барча масалаларда биз инқоятда эътиборли бўлишимиз керак. Бу биз учун сиёсатнинг энг муҳим масаласидир», — дейилади КПСС Марказий Комитети Бош секретарининг докладида.

Пленумда жорий ишлар тўғрисида ҳам гап борди, Йилнинг дастлабки ойларида бой берилган нарсаларни етказиб олишдан, йиллик планни ҳеч қандай тузатишсиз бажаришдан иборат мураккаб вазифа кўйилди. Қишлоқ меҳнаткашлари мамлакатни юксак натижалар билан қувонтиришлари лозим.

Жорий ва истиқболдаги вазифаларни халқнинг жонли ижодкорлигича, унинг ақл-идроки, истеъдоди ва меҳнатига таянибгина ҳал этиш мумкин.

Коммунистлар шонли партияси мамлакатни социал-иқтисодий ривожлантиришни жадаллаштириш йўлидаги умумхалқ ҳаракатига бошчилик қилмоқда. Пленум коммунистларни съездолди социалистик мусобақасини авж олдиришда авангардлик ролини, ички резерврларни қидириб топишда ва улардан яхшироқ фойдаланишга қаратилган қимматли ташаббусларнинг амалий равишда қўллаб-қувватланишини таъминлашга даъват этди. Съездга тайёргарлик кўриш, бўлажак ҳисобот ва сайловлар ана шу вазифаларни ҳал этишга кўмаклашади.

Партия йиғилишлари, конференцияларн ва съездлари, дейилади Марказий Комитет Пленумининг қарорида, ишчанлик, принципиаллик, партия ташкилотлари ва уларнинг раҳбар органлари ишига баҳо беришга ўз-ўзини танқид нуқтаи назаридан ёндашиш вазиятида ўтиши лозим. Ҳисобот ва сайловлар партия турмушининг ленинча нормаларини янада мустаҳкамлашга, ички партиявий демократияни, юқоридан ва қуйидан танқидни ривожлантиришга, коммунистларнинг активлиги ва ташаббускорлигини ўстиришга, уларнинг ўз ташкилотларидаги ва умуман партиядаги ишлар учун масъулиятини оширишга кўмаклашиш муҳимдир.

Шу даврнинг бош шиори— ижодий меҳнат, сўз ва иш бирлиги, ташаббус ва масъулият, ўзига ва ўртоқларига нисбатан талабчанликни съезд олди йиғилишларининг, съездга бутун тайёргарликнинг асосий моҳиятига айлантириш лозим.

Партия етук, яхши тайёрланган кадрларга эга. Ҳисобот ва сайловлар давомида раҳбар партия органлари тузилади, кадрлар соҳасида етилган масалалар ҳал этилади. Партия ўзининг кадрлар сиёсатида бундан буён ҳам ленинча принципларга амал қилиб, партия раҳбарлигининг барқарорлигини таъминлашга, тажрибали ва ёш ходимлардан тўғри фойдаланишга, партия органларини янги кучлар билан тўлдиришга қаратилган йўлни ўтказаверади. Шу билан бирга партия кадрларни кўтаришдаги турғунликка қарши чиқмоқда, биронта ҳам партия ташкилоти, биронта ҳам ходим контролдан четда қололмайди, деб ҳисобламоқда. Партия қуйи партия ташкилотларига кундалик ва амалий ёрдам бериш, ишчанлик ва оператнвликни ошириш, қоғозбозликни камайтириб, ишнинг кабинет услубини, кўпдан-кўп мажлислар ва йиғилишлар ўтказишга интилишни тугатиш йўлини қатъият билан давом эттиради.

Советларга, касаба союзларга, комсомолга, сиёсий системанинг бошқа бўғинларига, совет демократиясини ривожлантириш борасидаги ҳамма ишларга партия раҳбарлигини янада кучайтириш ҳисобот ва сайловларнинг муҳим вазифасидир. Съездга тайёргарлик, съезд ҳужжатлари лойиҳаларнинг муҳокама этилиши совет кишиларининг активлигини кучайтириб юборишн шубҳасиз. Бунда ошкораликни, жамоатчилик фикри, меҳнаткашларнинг танқидий мулоҳазалари, аризалари ва хатлари ҳисобга олинишн тўғрисида ғамхўрлик қилиш муҳимдир.

Партиянинг сиёсий-тарбиявий, идеология ишлари ҳозирги кунимизнинг асосий вазифаси — мамлакатнинг социал-иқтисодий тараққиётини тезлаштириш вазифаси билан боғлиқ бўлмоғи лозим. Бу соҳада олға силжиб борилмоқда, аммо бу иш ҳаёт билан ғоят чамбарчас боғлиқ бўлишн учун ҳамма иш қилинган, деб бўлмайди. Бунда расмиятчилик ва насиҳатгўйлик ҳамон халақит бермоқда. Идеология ишида ҳам гап камроқ, иш кўпроқ бўлиши керак.

Кейинги вақтларда оммавий ахборот воситалари— матбуот, телевидение, радио ишида ижобий ўзгаришлар юз бермоқда. Лекин ҳаёт уларга нисбатан кўпроқ талаб қўймоқда: мазмун чуқурлаштирилишини, оператнвлик, ахборотга бойлик оширилишини ва энг муҳими эса таъсирчанлик кучайтирилишини талаб этмоқда. Оммавий ахборот воситаларининг таъсирчанлигн эса, Пленумда қайд этиб ўтилганидек, «Партия комитетлари уларга актив ёрдам кўрсатиб, қўллаб-қувватласалар анча ортади. Фақат ана шундай ёрдам ва қўллаб-қувватлаш ўз вақтида кўрсатилиши ва салмоқли бўлиши лозим. Шу билан бирга таниқидни бўғиш ёки асосли таниқидни тан олмаслик йўлидаги ҳар қандай урнишлар принципиал партиявий баҳо олиши лозим, албатта».

Мамлакат ҳозирги кунларда ҳал этаётган янги вазифалар адабиёт ва санъатда муносиб ифодасини топади, жамият маънавий дунёсининг янги бойликлар билан бойиб боришида, совет кишисининг ғоявий ва маънавий камолотида адабиёт ва санъатнинг роли ғоят каттадир.

Пленумда ташқи сиёсат масалаларига катта эътибор берилди. КПСС билан Совет ҳукумати урушнинг, герман фашизми билан бўлгани сингари урушнинг такроранишига, айниқса, ядро ҳалокатига йўл қўймасликни ўз ташқи сиёсий фаолиятининг асосий мазмуни, деб билмоқдалар. Совет халқи герман фашизми устидан қозонилган Ғалабанинг 40 йиллигини тез орада нишонлайди.

Совет Иттифоқи ленинча тинчлик ва тинч-тотув яшаш йўлига амал қилиб келмоқда ва бундан буён ҳам қатъий амал қилаверади. Бу йўл бизнинг ижтимоий тузумимиз, ахлоқимиз ва дунёқарашимиз билан белгиланади.

Эндиликда социалистик ҳамдўстлик билан агрессив НАТО блоки давлатлари ўртасида ҳарбий-стратегик мувозанатга эришилди, бу эса шу ҳамдўстликнинг ғоят муҳим тарихий ғалабасидир. Ҳарбий-стратегик мувозанат империализмнинг агрессив ништаҳасини ишончли тарзда тийиб турибди. Тинчлик манфаатлари йўлида ана шу мувозанатни сақламоқ керак.

Империализм ва аввало, АҚШ империализми агрессив кучларининг айби билан халқаро вазият ташвишли ва хавфли бўлиб турибди. АҚШ қуролланиш пойгасини давом эттириш ташаббускори бўлиб чиқмоқда ва қуролсизланишдан воз кечмоқда. У жаҳоннинг гоҳ у жойида, гоҳ бу жойида вазиятни кескинлаштириб, можаролар ва уруш хавфи ўчоқларини мунтазам вужудга келтирмоқда. АҚШ Женевадаги музокараларда Ерда ядро қуролини чеклаш ва қисқартириш тўғрисидаги масалани муҳокама этиш билан бир вақтда қуролланиш пойгасини космик фазога ёймаслик ҳақидаги масаланн муҳокама қилишдан бош тортмоқда, бу билан Совет Иттифоқи билан Америка Қўшма Штатлари ўртасида эришилган аҳдноманн бузмоқда. АҚШ, аввало, ҳарбий жиҳатдан ғолиб ва устун мавқега эришишни ҳамон истамоқда. АҚШнинг бундай ҳукмронлик қилиш режалари истиқболсиздир. Совет Иттифоқи, унинг дўстлари ва иттифоқчиларн, тинчлик учун курашаётган барча халқлар бундай режаларнинг амалга оширилишига йўл қўймайдилар.

Жаҳон урушининг олдини олиш мумкин. Совет Иттифоқи, социалистик ҳамдўстликдагн бошқа мамлакатлар тинчлик посбонлигида турибдн, у ўзининг Қуролли Кучларини тобора мустаҳкамлаш учун бундан кейин ҳам куч-ғайратларини аямайди. Тинчликсевар кучлар тинчлик учун курашда тобора маҳкамроқ жипслашмоқдалар, урушга қарши, ядро қуролига қарши ҳаракатлар тобора активлашмоқда. Янги-янги илғор, демократик отрядлар уруш хавфига қарши курашга отланмоқдалар. Коммунистик ва ишчи партиялар, касаба союзлари, оммавий жамоат ташкилотлари тинчлик йўлидагн муштарак курашга ғоят катта ҳисса қўшмоқдалар.

КПСС Марказий Комитетининг Пленуми ички ҳамда ташқи сиёсатга оид катта ва мураккаб масалаларни муҳокама қилди. Совет кишилари бу сиёсатни яқдиллик билан маъқуллаб, қўллаб-қувватламоқдалар. Пленум иши халқаро кўламда ғоят катта қизиқиш уйғотди.

КПСС Марказий Комитети КПСС XXVII съезди билан тайёргарлик юксак ташкилий ва ғоявий-сиёсий даражада, партия сафларининг мустаҳкам жипслиги, партия билан халқнинг бузилмас бирлиги белгиси остида ўтади, деб қатъий ишонч билдиради.

(«Правда» газетасининг 25 апрелдаги бош мақоласи).

ТОРГАУДАГИ УЧРАШУВ ҚАТНАШЧИЛАРИГА

Унутилмас воқеа —Эльба бўйида Совет ва Америка қўшинлари учрашувининг 40 йиллигини нишонлаш учун Торгауда тўпланган барча кишиларни самимий табриклайман.

Йиллар ўтмоқда, ўн йиллар ўтмоқда, аммо инсоннят боши узра пайдо бўлган асорат ва истибдод зулматини жондан кечиб ғарқатиб юборган кишиларнинг номлари одамларнинг миннатдор хотирасида балқиб турибди.

Бизнинг мамлакатимизда Улуғ Ватан урушининг, фашистлар агрессияси ва милитаризми кучларига қарши мана шу қаҳрамонона жанг ветеранлари умумхалқ иззат-икроми билан қуршаб олинган. Биз бу курашда қурбон бўлганлар хотираси олдида бошимизни қуйи эгамиз. Улар туфайли ҳозирги авлод осойишта яшаб, тинч меҳнат қилиш имкониятини олди.

Шу кунларда, Буюк Ғалаба байрами арафасида совет кишилари АҚШ, Буюк Британия, Франция, Хитой, гитлеризмга қарши коалициядаги бошқа давлатлар халқлари ва армиялари муштарак мақсадга эришишга қўшган салмоқли ҳиссага ҳам ҳурмат бажо келтирадилар. Ғалабада Югославия, Польша, Чехословакия, Болгария, Руминия, Албания, Венгриянинг ҳарбий қўшилмалари, партизан армиялари ва отрядлари, Франция, Италия, Греция, Бельгия, Голландия, Норвегия, Дания, Люксембург қаршилик ҳаракатлари катта роль ўйнадилар. Немис ва австриялик ватанпарварлар гитлерчилар нацизмига қарши мардона курашдилар.

Уруш йилларида юзага келган жанговар иттифоқимиз инсониятнинг тинчлиги ва яхши келажаги учун биргаликдаги кураш ҳамкорликнинг нақадар зўр потенциалини очиб беришини кўрсатди. 1945 йилнинг баҳорида Эльба бўйида учрашган Совет ва Америка солдатларининг қўл бериб омонлашуви ҳам умид ва дўстлик рамзи бўлиб тарихга абадий ёзилиб қолди.

Бинобарин, ҳозир ҳам ҳар бир софдил кишининг — ёш ва ветераннинг бурчи уруш олови энди ҳеч қачон еримизни жизғанак қилмаслиги учун курашга қўлидан келганча ҳисса қўшишдан иборат.

Биз ўтган уруш воқеаларига мурожаат қилар эканмиз, ҳозирги кун ҳақида фикр юритиб ва албатта, келажак ҳақида: одилона ва мустаҳкам тинчлик тўғрисида, халқларни ядро уруши хавфидан халос қилиш тўғрисида ўйлаймиз.

Инсоният учун душманлик ва адоват эмас, балки мамлакатлар ва халқларнинг ҳамжиҳатлиги ва ҳамкорлиги йўлчи юлдуз бўлиб хизмат қилиши керак. Совет кишилари собиқ иттифоқчилар ўртасида, барча давлатлар ўртасида тинчликни сақлаш учун қурашдаги амалий баҳамжиҳат ҳаракат халқаро муҳитни соғломлаштирувчи қудратли омил бўлиб қолиши мумкин ва лозимлигига аминдирлар.

Ҳозир Эльба бўйида яна бир-бирларига қўл узатаётган кишилар бунинг учун яхши намуна кўрсатмоқдалар.

Гитлерчилар фашизмга қарши жанг қилган қаҳрамон ветеран жангчиларга, уларнинг оилаларига, Торгаудаги учрашувнинг барча қатнашчиларига сидқидилдан сиҳат-саломатлик ва кўп йиллар бахтиёр, тинч турмуш тилайман.

М. ГОРБАЧЕВ.

СОВЕТ ДЕЛЕГАЦИЯСИ ВАРШАВАГА ЖЎНАБ КЕТДИ

Варшава Шартномасида қатнашувчи мамлакатларнинг олий партия ва давлат арбоблари учрашувида қатнашиш учун совет делегацияси 25 апрелда Москвадан Варшавага жўнаб кетди.

Делегация составида КПСС Марказий Комитети Бош секретари М. С. Горбачев, КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, СССР Министрлар Совети Раиси Н. А. Тихонов, КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, СССР Министрлар Совети Раисининг биринчи ўринбосари, СССР ташқи ишлар министри А. А. Громико, КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзолиги кандидат, СССР мудофаа министри, Совет Иттифоқи Маршали С. Л. Соколов, КПСС Марказий Комитети секретари К. В. Русаков бор.

Аэродромда делегацияни Г. А. Алиев, В. И. Воротников, В. В. Гришин, Е. К. Лигачев, Г. В. Романов, Н. И. Рижков, М. С. Соломенцев, В. М. Чебриков, П. Н. Демичев, В. И. Долгих, В. В. Кузнецов, Б. Н. Пономарев, И. В. Капитонов, В. П. Никонов ўртоқлар, шунингдек КПСС Марказий Комитетининг аъзолари К. М. Боголюбов, Б. П. Бугаев, Г. М. Корниенко, Н. Е. Кручина, В. Ф. Малишев, О. Б. Рахманин, М. С. Смирнюков, бошқа расмий кишилар кузатиб қолдилар.

Кузатиб қолувчилар орасида ПХРнинг СССРдаги элчиси С. Кочолек бор эди.

(ТАСС).

РЕВОЛЮЦИЯ ЙИЛЛИГИГА

Ўзбекистон меҳнаткашлари барча совет кишилари билан биргаликда янги турмуш қураётган, ўзининг миллий мустақиллигини империализм ва реакциянинг аралашувидан қаттиқ туриб мардона ҳимоя қилаётган афғон халқи тарафида яқдиллик билан ҳаракат қилмоқдалар. Тошкент жамоатчилиги вакилларининг 25 апрель куни бўлиб ўтган йиғилишида совет ва афғон халқларининг мустаҳкам дўстлик алоқалари ҳақида гапирилди. Бу йиғилиш Афғонистондаги Апрель революциясининг етти йиллигига бағишланди.

Сўзга чиққан кишилар СССР билан АДР ўртасидаги ҳар томонлама иқтисодий ва маданий алоқалар кенгайиб бораётганлиги, бу алоқаларни ривожлантиришга Ўзбекистон меҳнатчилари салмоқли ҳисса қўшаётганликлари ҳақида гапирдилар. Советлар мамлакатининг беғараз ёрдами туфайли Афғонистон меҳнаткашлари Апрель революциясининг мақсадлари ва вазифаларини амалга оширишда, мамлакатда Афғонистон Халқ Демократик партияси раҳбарлигида ўтказилаётган чуқур социал ўзгартиш ларда муваффақиятларга эришаётганликлари қайд этилди.

Йиғилишда АДРнинг Тошкентдаги бош консули Муҳаммад Насим Жўя нутқ сўзлади. (ЎзТАГ).

ЎЗБЕКИСТОН КОМПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИНИНГ БЮРОСИДА

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг Бюроси ўзининг навбатдаги мажлисида КПСС Марказий Комитети 1985 йил апрель Пленуми қарорларидан келиб чиқадиган вазифаларни муҳокама қилди ва партия ташкилотларига Пленум якунларини кенг муҳокама қилишни, КПСС Марказий Комитети Бош секретари ўртоқ М. С. Горбачев докладининг чуқур маъносини ҳар бир коммунистга, барча меҳнаткашларга етказишни, меҳнат коллективларини ижтимоий ишлаб чиқариш интенсивлигини оширишга ва меҳнат интизомини ҳар томонлама мустаҳкамлашга сафарбар қилишни топширди. Тегишли органларга КПСС Марказий Комитети апрель Пленуми қарорларини амалга ошириш, 1985 йилги планлар ва социалистик мажбуриятларни ҳамда умуман беш йиллик планни сўзсиз бажариш, партия XXVII съездини муносиб кутиб олиш юзасидан зарур тадбирларни кўриш таклиф этилди.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг Бюроси Бухоро область партия комитетининг КПСС Марказий Комитети 1984 йил октябрь Пленуми ва Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг XVIII пленуми қарорларини бажариш соҳасидаги иши тўғрисидаги масалани кўриб чиқди. Область партия ва совет органлари сув хўжалиги қурилиши объектларидаги ташкилотчилик ва сиёсий фаолиятни кучайтирдилар. Давлат интизоми мустаҳкамланмоқда, агросаноат комплексининг ходимлари ердан самарали фойдаланиш учун масъулият туйғуси руҳида тарбияланмоқда. Кадрлар билан ишлашни яхшилаш тадбирлари кўрилди.

Шу билан бирга, Бухоро область партия комитетининг эътибори ерларни мелиорациялашнинг Узоқ муддатли программасини амалга оширишдаги баъзи жиддий камчиликлар ва нуқсонларга қаратилди. Кўпинча капитал маблағ ва моддий-техникавий ресурслар асосан ерларнинг сув таъминотини оширишга қаратилмоқда, ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш, экинзорларнинг унумдорлигини ошириш масалалари эса иккинчи ўринда қолмоқда. Янги районларнинг комплекс ўзлаштирилмаслигига йўл қўйилмоқда, бир қанча социал-маданий объектлар, анчагина миқдордаги уй-жой бинолари ишга туширилгани йўқ.

Область партия комитетига сув хўжалиги ташкилотлари, агросаноат комплекси корхоналари, министрликлар ва идоралар билан биргаликда мавжуд ҳамда янги ишга туширилаётган суғориладиган ерларнинг юксак самарадорлигини, ўн биринчи беш йиллик топшириқларини тўла ҳажмда бажаришни таъминлайдиган конкрет тадбирларни амалга ошириш таклиф қилинди. КПСС Марказий Комитетининг 1985 йил апрель Пленуми йўл-йўриқлари асосида партия ташкилотларига партия XXVII съездини муносиб кутиб олиш учун социалистик мусобақани кенг қулоч ёйдириш, коммунистларнинг жанговарлигини ва авангардлик ролини ошириш, ҳар бир участкадаги ишларни яхшилашнинг конкрет йўлларини аниқлаш топширилди.

В. И. Ленин номидаги Ўзбекистон металлургия заводи раҳбар кадрларининг партия ташкилоти идеология ишида қатнашиши тўғрисидаги масала муҳокама қилинди. Завод парткоми ва дирекциясидан меҳнат коллективи аъзоларини ғоявий-сиёсий, меҳнат ва ахлоқий жиҳатдан тарбиялашга корхона раҳбарлари ва мутахассисларини актив жалб этиш талаб қилинди. Идеология, оммавий-сиёсий иш савиясини, партиявий ва иқтисодий таълим самарадорлигини ошириш, инженер-техник ходимларнинг лекциялар, докладлар, сиёсий ахборотлар билан чиқишларини йўлга қўйиш, уларнинг Ягона сиёсий кунларда қатнашишини активлаштириш лозим. Партия комитетига мутахассисларнинг иш услубини такомиллаштириш тўғрисида доимо ғамхўрлик қилиш, кадрларни раҳбарликнинг маъмурий ва тарбиявий усулларини моҳирона бирга қўшиб олиб боришга ўргатиш, партия йиғилишларида ва партком мажлисларида корхона раҳбарларининг оммавий-сиёсий ишда қандай қатнашаётганликлари тўғрисида ҳисоботларни тез-тез тинглаб туриш таклиф қилинди.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети Бюросининг мажлисида республика турмушининг бошқа масалалари ҳам кўриб чиқилиб, қарорлар қабул қилинди.

Республика областларида чигит экишнинг борши тўғрисида шу йил 25 апрелга бўлган

МАЪЛУМОТ

(Планга нисбатан процент ҳисобида)

Биринчи устун — областлар; иккинчи устун — бир кунда экилган майдон; учинчи устун — мавсум бошидан буён.

ТОШКЕНТ	100,2	
СУРХОНДАРЁ	100,0	
Бухоро	1,1	99,0
Наманган	1,5	98,9
Қашқадарё	0,9	98,0
Фарғона	4,1	94,6
Андижон	2,7	93,1
Сирдарё	5,1	90,4
Жиззах	4,0	89,2
Навоий	3,5	87,8
Самарқанд	3,7	87,3
Хоразм	6,3	66,2
ҚҚАССР	3,7	17,9
Республика бўйича:	2,7	86,9

КПСС МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ, СССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИ ВА СССР МИНИСТРЛАР СОВЕТИНИНГ ҚАРОРИ

Константин Устинович ЧЕРНЕНКО хотирасини абадийлаштириш тўғрисида

КПСС Марказий Комитети, СССР Олий Совети Президиуми ва СССР Министрлар Совети Коммунистик партия ва Совет давлатининг, халқаро коммунистик ва ишчилар ҳаракатининг атоқли арбоби Константин Устинович Черненконинг хизматларини эътиборга олиб ҳамда унинг хотирасини абадийлаштириш мақсадида қарор қиладилар:

1. Красноярск ўлкасидаги Шарипово шаҳрининг номи ўзгартирилиб, Черненко шаҳри деб; Молдавия ССРнинг Шолданешти районн номи ўзгартирилиб, Черненко районн деб аталсин.

2. Красноярск ғалла ўриш комбайнлари ишлаб чиқариш бирлашмасига; Приборсозлик, автоматлаштириш воситалари ва бошқариш системалари министрлигининг Кишинев «Волна» ишлаб чиқариш бирлашмасига; Қозоғистон ССР Толдиқўрғон областининг совхозларидан бирига; Пенза шаҳридаги пионерлар саройига; Москва, Красноярск ва Кишинев шаҳарларида янги қурилаётган микрорайонлардаги биттадан кўчага; Қизил Байроқ орденли шарқий чегара округининг К. У. Черненко хизмат қилган «Хоргос» чегара заставасига; денгиз пассажир кемасига К. У. Черненко номи берилсин.

3. Красноярск давлат университетининг, Кишинев давлат педагогика институтининг, Пенза политехника институтининг студентлари учун К. У

Ягона сиёсий кун

СОВЕТ ХАЛҚИНИНГ БУЮК ҒАЛАБАСИ

БУГУН РЕСПУБЛИКАДА СОВЕТ ХАЛҚИ 1941—1945 ЙИЛЛАРДА ГЕРМАНИЯ ФАШИЗМИ УСТИДАН ҚОЗОНГАН БУЮК ҒАЛАБАНИНГ 40 ЙИЛЛИГИГА БАҒИШЛАНГАН ЯГОНА СИЁСИЙ КУН ЎТКАЗИЛАДИ

Бундан 40 йил муқаддам Коммунистик партия раҳбарлигида совет халқи, унинг шавкатли Қуролли Кучлари инсоният тараққиётининг энг ёвуз душмани — Германия фашизмини тор-мор этиб, рейхстаг устига шонли Ғалаба байроғини тикди. Тарихда мисли кўрилмаган тенгсиз жангларда жаҳонда биринчи социалистик давлат мустақиллиги, Улуғ Октябрь ғалабалари, бутун инсониятнинг истиқболи қора вабодан омон сақлаб қолинди.

Бугун меҳнат коллективларида ,яшаш жойларида, ўқув юртларида ўтадиган ягона сиёсий кун Буюк Ғалабанинг 40 йиллигига бағишланади. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети аъзолари ва аъзоликка кандидатлари, сайлаб қўйилган партия активи меҳнаткашлар билан учрашувларда шавкатли Совет Армиясининг улуғвор жасорати, совет кишиларининг душман билан олиб борган кураши, фронт орқасини мустаҳкамлаш йўлидаги оммавий қаҳрамонлиги ҳақида гапириб берадилар. Ватан озодлиги учун азиз жонини қурбон қилган кишиларнинг номлари ёдга олинади, тинч қурилиш йилларида фронтчасига ишлаб, партия режаларини амалга ошириш учун курашга муносиб ҳисса қўшган ва қўшаётган фронтчилар шарафланади. Учрашувларнинг қатнашчилари КПСС Марказий Комитетининг 1985 йил апрель Пленуми қарорларини амалга ошириш, беш йилликни муваффақиятли якунлаш, партиянинг навбатдаги XXVII съездини муносиб кутиб олиш борасидаги вазифаларни белгилаб оладилар.

— Бригадамиз Буюк Ғалабанинг 40 йиллиги нишонланадиган тантанали кунларда беш йиллик топшириқларини бажарганлиги ҳақида рапорт беради, — дейди «Каршистройиндустрия» ишлаб чиқариш бирлашмасининг «Промэнерго» корхонаси токарлар бригадаси бошлиғи, коммунист Анатолий Шанов. — Коллективимиз областда биринчи бўлиб москвалик илғор корхоналар ташаббусига қўшилди. Улуғ Ватан урушида совет халқи қозонган Ғалаба шарафига социалистик мусобақани авж олдириб, афсонавий учувчи Николай Гастеллони ўз сафимизга қабул қилдик...

Бригадирнинг ўзи ҳақида икки оғиз сўз: Меҳнат фаолиятини она юрти — Краснодар ўлкасида бошлади. Кўп ўтмай комсомол йўлланмаси билан Нижний Тагилдаги заводлардан бирига ишга борди. Совет Армияси сафида хизмат қилди. Ўн йилдирки, серқуёш республикамизнинг Қарши шаҳрида — дастлаб темир-бетон буюмлари заводида, ҳозирги кунда эса «Промэнерго» корхонасида тер тўкмоқда.

Суратда: коммунистик меҳнат зарбдори Анатолий Шанов (ўртада) ўз бригадаси аъзолари билан.

Ш. Шаропов фотоси (ЎзТАГ).

ҚУДРАТЛИ КУЧ

Бугун комбинатимиз цехларида алоҳида кўтаринкилик. Тўқувчилар смена тугагач, Буюк Ғалабанинг 40 йиллигига бағишланган ягона сиёсий кунга тўпланадилар. Раҳбар ходимлар билан учрашувлар чоғида коллективимиз хотира вахтасида эришган ютуқлари умумлаштирилади. КПСС Марказий Комитетининг 1985 йил апрель Пленуми қарорларини муваффақиятли амалга ошириш, беш йилликни зарбдор меҳнат билан якунлаб, партиямизнинг навбатдаги XXVII съездини муносиб кутиб олиш режалари белгиланади.

Корхонада ой сайин ўтказилаётган ягона сиёсий кунларнинг аҳамияти ёрқин ва салмоқли кўзга ташланмоқда. Фабрикамиз коллективининг ғоявий-сиёсий савиясини ошириб, уларнинг меҳнатдаги интилишларини кучайтирмоқда, оммавий ташаббускорлигини жўш урдирмоқда. Фабрикамиз партия комитети сиёсий кунларни ўтказишни янада такомиллаштириш, сиёсий-тарбиявий ишларнинг таъсирчан услубига айлантириш юзасидан катта ташкилий-сиёсий ишларни олиб бормоқда. Коллектив ўртасида ўзаро социалистик мусобақа ҳаракати авж олдирилиб, унинг якунлари ўз вақтида чиқариляпти. Бунда илғорлар тажрибасини оммалаштириш ,ҳар бир иш участкасида ишлаб чиқариш нормасини ошириб бажариш, маҳсулот сифатини яхшилаш, тежамкорлик режимини кучайтириш, резервларни қидириб топиб, жорий этишга эътибор кучайтирилмоқда.

Ечимини кутаётган проблемалар ,ишчиларнинг профессионал маҳоратини ошириш, уларнинг яхши яшаб, баракали меҳнат қилишлари учун барча шарт-шароитларни яратиб бериш, дастгоҳлар қувватидан унумли фойдаланиш, меҳнат интизомини мустаҳкамлаш масалалари ягона сиёсий кунларнинг энг муҳим мавзусига асос қилиб олинаётгани, докладчиларга тушаётган саволларни ҳисобга олиш ва конкрет ҳал этиш қатъий йўлга қўйилгани муваффақиятларимиз гарови бўлмоқда.

Суҳбатларнинг бирида ип йигириш цехидан 1990 йил ҳисобига ишлаётган Ольга Черновалова, 1986 йил ҳисобига маҳсулот тайёрлаётган Х. Эргашева, тўқув цехидан В. Климова, мастерларимиздан Ф. Шукуруллаев, Н. Нарзуллаев, Ш. Азизовлар сўз олишиб, ишга кечикиб келувчилар, прогулчилар, ичкиликбозларга нисбатан муросасизлик муҳитини вужудга келтириш лозимлигини айтишди. Мастер ёрдамчиси Э. Раупов бошқа бир учрашувда йиғилганларнинг эътиборини эскирган, иш унуми паст дастгоҳларни алмаштириш, цехларда бекор турадиган бирорта ҳам машина бўлмаслигини таъминлаш кераклигига қаратди.

Гапнинг сирасини айтганда, фабрикамиз илгари қолоқлар рўйхатида тилга олинарди. Эндиликда илғорлар сафига ўтиб олдик. Шу йилнинг биринчи квартал плани ошириб бажарилди. Пландан ташқари қарийб 400 минг сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилди. Энг оғир, масъулиятли участкаларда асосан коммунистлар ибрат кўрсатиб ишлаяпти. Фабрика партия комитети атрофига 12 цех партия ташкилоти, 23 партия группасига 262 нафар коммунист уюшган. Партия йиғилишларида ягона сиёсий кунларда билдирилган таклиф ва мулоҳазаларни кечиктирмасдан ҳал этишга эътибор, масъулият кучайтирилган.

Эндиликда йигирувчи ва тўқувчилар активлиги ошиб, кўп дастгоҳни бошқарувчилар сафи кенгайиб бораётганлиги туфайли машиналарнинг бекор туриб қолиши кескин камайди. Ҳозир 51 йигирувчи ,29 тўқувчи, 12 мастер ёрдамчиси кенгайтирилган зонада меҳнат қилишяпти. Коллективимиз айни пайтда илғорлик байроғини баланд кўтариб, КПСС XXVII съездини муносиб ютуқлар билан кутиб олиш учун мусобақани тобора авж олдирмоқда.

Ф. ЗОКИРОВА,
Бухоро тўқимачилик комбинатининг ишчиси, коммунистик меҳнат зарбдори.

АМАЛИЙ ТАДБИРЛАР

АВВАЛГИ ЯГОНА СИЁСИЙ КУНЛАРДА МЕҲНАТКАШЛАРДАН ТУШГАН САВОЛЛАРГА ЎЗБЕКИСТОН ССР ЕНГИЛ САНОАТ МИНИСТРИНИНГ БИРИНЧИ ЎРИНБОСАРИ И. ТАЙМАЗОВ ЖАВОБ БЕРАДИ:

САВОЛ: — Андижон ип газлама комбинати темир йўл магистралидан анча узоқда. Комбинатни магистрал линия билан боғлайдиган шахобча қачон қурилади?

ЖАВОБ: — Комбинат ишлаб чиқаришининг ўсиши, тайёр маҳсулотни ўз вақтида жўнатиш, хом ашёни қабул қилиб олишда темир йўл шахобчасининг аҳамияти дарҳақиқат катта. Шуни назарда тутиб, министрликда ушбу масала ижобий ҳал қилинди. Бу қурилишни «Самаркандтрансстрой» трести олиб боради. 7 километрлик темир йўл шахобчасини қуриш 1986 йил планига киритилади. Объект 1987 йилда фойдаланишга топширилади. Ҳозирги пайтда унинг лойиҳаси тайёрланмоқда.

САВОЛ: — Бухоро тўқимачилик комбинати қошида янги болалар боғчаси қуриш имкони йўқми?

ЖАВОБ: — Бундай муассасалар министрликка қарашли бошқа корхоналарга ҳам зарур, албатта. Лекин шундай бўлса-да, бухоролик тўқувчи аёлларнинг меҳнат ва яшаш шароитларини янада яхшилаш ниятида 320 ўринли янги болалар муассасаси бунёд этишга қарор қилинди.

СОВЕТ ТУРМУШ ТАРЗИ

УРУШ БОЛАЛАРИ

ХАР куни ишга бораётиб ва қайтаётиб Халқлар дўстлиги майдонидан ўтаман. Майдон марказида халқлар дўстлиги рамзини ифодаловчи қайкал ўрнатилган. Унда уруш сабабли етим қолган болаларни бағрига олган она билан ота сиймосини кўраман. Бу ёдгорлик тошкентлик темирчи Шоаҳмад Шомаҳмудов ва унинг умр йўлдоши Баҳри Акромовалар жасоратининг рамзи бўлиб, қайкал пойидан гуллар, атрофидан одамлар аримайди. Ҳар куни янги гулдасталар, одамларнинг бетиним оқими...

Буюк Ғалабанинг 40 йиллиги арафасида беихтиёр ана шундай саҳоватпеша одамлар ва уларнинг бағрида камол топган болалар ҳақида ўйлайсан, киши. Уларнинг тақдири қандай кечди? Болалар ким бўлиб етишди? Ҳозир улар қаерда яшайди ва қандай ишлар билан машғул?

Шундай ўй-хаёллар бизни Кўкча даҳасидаги Шомаҳмудовлар кўчасига етаклайди. Шоаҳмад ота ҳаётлигидаёқ бу кўча унинг номи билан атала бошлаган эди. Баҳри ая ҳозир ҳам фарзандлари, невара-чеваралари билан ўша ҳовлида истиқомат қилади. Қаторасига беш хонадон — Эргаш, Фёдор, Тоҳиржон, Ольга ва Михаилнинг оилалари...

«Бу уйда Улуғ Ватан уруши йилларида 14 миллатнинг болаларини тарбиялаган темирчи Шоаҳмад Шомаҳмудовлар оиласи яшамоқда» деб ёзилган мармар лавҳа ўрнатилган дарвоза ёнида тўхтаймиз. Эшик очилиб, хўшрўйгина ёш аёл пешвоз чиқиб, ичкарига таклиф этади. Пешайвондан болаларнинг қий-чуви эшитиляпти. Баҳри ая кичкинтойлар даврасида эди.

— Боласи тушмагурлар зерикишяпти чоғи, — дейди у невараларини қучиб. — Уларни опичлаб юрган пайтларим ҳам бир давр экан. Кексалик... 84 ни қоралашнинг ўзи бўладими, ўргилай. Ишқилиб, уруш бўлмасин. Биз кўрган у ёмон кунларни булар кўришмасин...

Қаршимизда — она-Ватанимиз бошига оғир кунлар тушганда, тўзону қуюмлардан осмон зимистонга айланган кезларда дил чироғи ёқишга куч топган аёллардан бири. Оғзидаги нонини, эгнидаги кўйлагини, қўйингчи, уйжойи, ҳаловатини муҳтожлар билан бўлишган ватанпарварлардан бири...

У уруш йилларидаги ана шу оғир ҳаёти, кўрган-кечирганлари ҳақида ҳаяжон билан сўзлайди. «Тинчлик инсонят учун ош-нондай, ҳаводек зарур нарса», деяркан қаҳрамон она одамларга омонлик, замонага тинчлик тилайди.

БИЗНИНГ СПРАВКА

УЛУҒ ВАТАН УРУШИ ЙИЛЛАРИДА ТОШКЕНТ ТЕМИР ЙЎЛ ВОКЗАЛИНИНГ ЭВАКОПУНКТИДА ҲАР КУНИ 150-200, БАЪЗИДА ЭСА 400-500 БОЛА РЎЙХАТГА ОЛИНАРДИ. 1942 ЙИЛНИНГ ОХИРИГА КЕЛИБ БУНДАЙ БОЛАЛАР СОНИ 47 МИНГГА ЕТДИ.

1942 ЙИЛ ЯНВАРЬ ОЙИНИНГ БОШИДА ТОШКЕНТДАГИ ЧАҚАЛОҚЛАР УЙИГА ФАРЗАНДТАЛАБ КИШИЛАРДАН 86 АРИЗА ТУШДИ. ОЙ ОХИРИГА КЕЛИБ, 4672 БОЛА ФАРЗАНДЛИККА БЕРИЛГАНИ ҲАҚИДАГИ ҲУЖЖАТ РАСМИЙЛАШТИРИЛДИ.

УЛУҒ ВАТАН УРУШИ ЙИЛЛАРИДА ИТТИФОҚИМИЗНИНГ ҒАРБИЙ РАЙОНЛАРИДАН КЕЛГАН БИР МИЛЛИОНГА ЯҚИН КИШИНИ ЎЗБЕКИСТОН ЎЗ БАҒРИГА ОЛДИ.

Оилавий фотоальбом, болалари, ўзи ва турмуш йўлдоши ҳақида ёзилган лавҳалар, очерклар босилган газета-журналлар, ҳужжатларни кўрсатаётиб ҳам ўша мудҳиш уруш онларини яна бошдан кечираётгандай ҳаяжонланиб сўзлайди...

Ҳужжатлар орасидаги бир плакат эътиборимизни тортади. Улуғ Ватан уруши йилларида чиқарилган бу плакатда Баҳри ая билан Шоаҳмад отанинг расми босилган ва уларнинг етим болаларни тарбиялаш билан баробар «Узметалпромсоюз» корхонасининг илғор ишчилари сафида фронт учун — ўзбек дивизияси учун эгар-жабдуқ, тақа ишлаб чиқаришда ҳам фаол меҳнат қилаётганликлари ҳақида ёзилганди.

Айвон эшиги очилиб, истараси иссиққина бир йигит кириб келди.

— Буям неварам, исми Тоҳиржон, — дейди ая. — Болаларимизнинг каттаси Рафиқнинг ўғли. — Ая яна гапида давом этади: Рафиққа жиянимни олиб берган эдим. Пешонамга сиғмади... Тоҳирим бир ярим ёшида онасидан етим қолди. Шундан буён у мен билан яшайди. Катта қилдим, уйлантирдим, ўғли ҳам, қизи ҳам бор. Заводда ишчи, ош-нони ҳалол...

Шу орада даврамиз яна кенгайди. Баҳри аяни йўқлаб қизи Ҳабиба болалари, эри билан кириб келишди. Аслида унинг исми Зина, Хабиба деб унга Баҳри ая исм қўйган. Болалар уйидан олиб келишганда уч ёшда эди. Бу хонадонда ўсди, улғайди, ҳозир ҳамшира бўлиб ишлайди. Унинг турмуш ўртоғи Собиржон илғор қурувчи, уларнинг беш фарзанди бор.

Дам олиш куни бўлгани учун Эргаш, Фёдор, Ольгалар ҳам уйида эканлар. Баҳри ая кўргани чиққан фарзандларини илиқ қарши оларкан, чиройи янаям очилиб кетди.

Ольга даструхонни янгилаб, чой дамлаб келиб, акаси Эргашнинг қўлида хархаша қилаётган жиянини олиб овуткан:

— Меҳмон, бизникида ҳам бир пиёла чой ичиб кетинг, — деди у менга қараб.

Ольга қизи Хатира билан бирга яшаркан. У билан кейинги учрашувларимизда ҳам унда дастлаб илғаганим — дид, меҳнатсеварлик, тиниб-тинчмасликнинг янгиданги жиҳатларини неча бор кўрганман.

Ольга мотористка бўлиб ишлайдиган Тошкентдаги кўнчарм-галантерея заводининг тикув цехига кириб келганимда смена охирлаб қолганди. Ольга Тимоненко қўлиқўлига тегмай қалпоқ тикарди.

Цех бошлиғи Исмоил Иброҳимов билан суҳбатлашиб қолдик.

— Бизда ҳар бир киши кунига 150 та қалпоқ чокларини тикиши керак. Лекин Ольга планни ҳамиша ошириб билан бажаради, — дейди у. — Йигирма йил бўляпти заводимизда ишлаётганига. Ҳаммамиз хурсандмиз ундан. Ишда илғор, моҳир мураббий. Меҳнатсевар, жамоатчи. Одамнинг яхшиси, ишчининг асили шу-да!

Эргаш Шомаҳмудов ҳам ишчи. Хотини Зоя Голькова билан шаҳар маиший хизмат комбинатида ишлайди. Иккиси ҳам мастер. Уларнинг икки фарзанди, неваралари бор.

Фёдор Кульчиковскийнинг умр йўлдоши Валентина бизни очиқ чеҳра билан кутиб олди.

Бирдан эшик очилиб, қўшни қизча мўралади:

— Опоқижон, сизни ойим чақиряптилар...

Валентина қизчанинг ташвишли нигоҳини кўриб қўлини апил-тапил ювди-да, «менга узр» деганича чиқиб кетди.

— Қўшнимизнинг юраги хаста, — дейди Фёдор Шоаҳмедович. — Ўзини ёмон ҳис қилди шекилли. Қўшниларимиз «қўли енгил» деб, Валяга ихлос қўйишган. Ойимнинг эса шахсий врачи деяверинг, — ҳазилга йўйди у. Кейин у хотинининг 8-туғруқхонада акушерка, бошланғич партия ташкилоти секретари эканлиги билан ҳам фахрланди. Айниқса, хотининг маҳаллага аралашиб кетганидан ҳурсанд. Негаки, Кульчиковский учун маҳалла — ота-онадай гап. У хотинига ҳам, болаларига ҳам оғир уруш йилларида бошидан кечирган етимлик онлари ҳақида ҳикоя қилиб берар экан, шу одамлар бошимни силаган, нон-тузини аямаган, деб уқдиргани-уқдирган...

Фёдор Кульчиковский уруш йилларини эслаган сайин кўзларига ёш олаверади... Федяни Тошкентга олиб келишганида ўзи ҳақида ҳеч нима билмасди. Қайси шаҳардан, неча ёшда... Фамилияси ҳам ҳар хил эди. Бир ҳужжатда Кульчиковский, иккинчисида Кульчинский, бошқасида Кульчановский, яна бирида Кульчиновский... Лекин бир нарса аниқ хотирида: ўшанда унинг қулоғи санчиб оғриётганди. Бир ўзбек аёлининг сийнасидан сизган сутни қулоғига қуйишганда жони ором олганди ўшанда. Уйғонганда кўз ўнгида намоён бўлган нарса — бошида унга термулиб ўтирган қарғашойи кўйлакли бошқа бир аёл билан дўппили кишининг нурли чеҳраси эди...

Бу иссиқ чеҳралар, офтобдай қайноқ, меҳрибон кўзлар унинг болалик қалбида чуқур из қолдирди. Унинггина эмас, бу хонадон бошпана берган, болам деб бағрига олган турли миллатга мансуб 14 йигит-қизнинг ҳам қалбида улар. Булар Рафиқ, Эргаш, Ольга, Зина, Ҳабиба, Раиса, Володя... Чуваш, молдован, татар, яҳудий, қозоқ...

— Отам ҳаммамизни ҳам худди мен сингари ночор бир аҳволда уйига олиб келган, — эслайди Фёдор. — Отам олижаноб одам эдилар. Болалар уйига бориб нимжон, парваришга муҳтож болаларни фарзандликка сўрар эканлар. Отам ўз қўлимда ҳаётдан кўз юмдилар. У кишининг орамизда йўқлигига ҳануз ишонгимиз келмайди...

ФЁДОР билан бир неча бор учрашдик. Гоҳ уйида, гоҳ редакцияда, гоҳ иш жойида гоҳ командировкага кетиш олдидан, гоҳида командировкадан қайтганда... Дарвоқе, у Ўзбекистон ССР Бинокорлик материаллари саноати министрлигига қарашли конгеология комплекс экспедициясида 20 йилдан буён техника назорати ва хавфсизлиги инженери бўлиб ишлайди.

— Ишим оғир эмас, лекин жуда масъулиятли, — дейди у. — Қазилма бойликлар қандай шароитларда қазиб олиняпти, техника хавфсизлигига риоя қилиняптими, йўқми — бу муҳим масала. Баъзи жойларда бунга иккинчи даражали иш деб қарашади. Бу билан мутлақо келишиб бўлмайди...

— Кульчиковскийнинг ўзига хос фазилати ҳам шундада, — дейди экспедиция бошлиғи А. Ғаниев ходимига характеристика берар экан. — У камчилик, лоқайдлик, масъулиятсизлик билан сира ҳам келишолмайди. Мана бир мисол, — гапида давом этди у. — Фёдор Шоаҳмедович Урганч оҳак пишириш заводи ва шу заводга оҳактош қазиб олиш карьерларидаги шароит қониқарсизлиги ҳақида министрликка рапорт ёзиб берди. Махсус комиссия инженернинг даъволарини тўла тасдиқлади. Зудлик билан чора-тадбирлар кўрилди. Натижада оҳактош карьерларида юзлаб одамлар хавф-хатарсиз ишлайдиган бўлишди. Юз минг тонналаб оҳактош чиқиндига чиқиб кетишининг олди олинди.

Фёдор Шоаҳмедович билан турли мавзуда суҳбатлашамиз: бирга катта бўлган акаукалари, сингиллари... Уларнинг ҳар қайсиси ҳақида у меҳр ва ҳурмат билан сўзлайди. Муаззам билан Ҳамидулло бир-бирини севиб турмуш қуришибди. Акаси Рафиқ 14 бола орасидан биринчи бўлиб пенсияга чиқибди. Шурик ота-онасини, Рая ва Адик эса онасини топибди... Ҳикоясининг шу ерига келганда унинг кўзларига яна бояги мунг ва ҳаяжон тўлди...

Уруш болалари! Кўнглингизни чўктирган, қалбингизга ғулу ва алам солиб, ғазаб ўтларини аланга олдирган урушга лаънат!

«Урушга лаънат!», «Биз тинчлик истаймиз!». Улуғ Ватан уруши йилларида Ўзбекистонга эвакуация қилиб олиб келинган юз минг болакай ҳам шундай деяётгандай. Назаримда, уларга бутун дунё болалари овози жўр бўлгандай. Жаҳонни ларзага солиб юборгудек бу овозлар жаранги ҳар қандай атом-нейтрон бомбалари овозини босиб кетгудай...

...Ҳар куни ишга бораётиб ва қайтаётиб Халқлар дўстлиги майдонидан ўтаман. У ердаги ҳайкал пойидан гулдасталар, атрофидан одамлар оқими аримайди. Ота ва онанинг, улар бағрида болалик тимсоли гавдаланган бу монумент уруш болаларига ёдгорлик. Бу — уруш йилларида етим 13 болани сақлаб қолган Улуғ Ватан уруши қатнашчиси Ҳамид Самадов, 10 болага оналик меҳрини берган колхозчи Фотима Қосимова, 13 болани оқ ювиб, оқ тараб, камолга етказган Баҳрихон Аширхўжаева ҳақидаги қасида. Ва, ниҳоят, бу — Улуғ Ватан уруши даврида Москва ва Ленинграддан, Смоленск ва Минскдан, Кишинёв ва Харьковдан, Новороссийск ва Краковдан келган 200 минг болани бағрига олган Совет Ўзбекистони кишиларининг мислсиз жасоратига қўйилган ёдгорлик.

Уруш йилларида Ўзбекистон совет кишиларининг бутун бир авлодини келажак учун сақлаб қолди.

Яшасин, халқлар дўстлиги!

Дилбар МАҲМУДОВА.

«ТОШКЕНТ» МАТОНАТИ

1940 йилнинг охирларида Қора денгизда ғаройиб бир кема пайдо бўлди. Уни айни бир пайтнинг ўзида турли портларда кўриб қолишарди. Бунинг ажабланадиган жойи йўқ эди. Чунки «Тошкент» деб аталган бу етакчи кема соатига 80 километрдан ошиқ тезлик билан юрарди. Унинг ғайри табиий рангига қараб «мовий крейсер» деб ҳам аташарди. «Тошкент» дунёдаги энг тез юрар кемалардан бири эди. Лекин ўша пайтда унинг ҳаёти шунчалик қисқа ва қаҳрамонона бўлишини ҳеч ким ўйламаганди...

...1942 йилга келиб гитлерчилар армияси Қримни босиб олди. Денгиз томондан ўраб олиниб, қамал қилинган Севастополь мардонавор жанг қиларди. Қора денгиз флотининг асосий вазифаси Севастополь билан Катта ер (Кавказни шундай аташарди) ўртасида ҳарбий кемаларнинг қатновини таъминлашдан иборат эди. «Тошкент» учун асосий база сифатида Новороссийск белгиланганди. Кема бу ерда ёқилғи, ўқ-дори, жангчиларни ортиб Севастополга қатнарди. Новороссийск артиллерия омбори бошлиғининг жиғи-бийрони чиқарди:

— Ўқ-дорини нима қиляпсизлар ўзи? — дерди у ҳайрон бўлиб. — Кема кун бўйи бандаргоҳда туради-ю, сизлар ҳар куни ярталаб снарядлар ёздириб оласизлар?

— Тушунсанг-чи, ғаҳир, — дейишарди унга, — сен ухлаётганингда етакчи Қрим соҳилларига етиб олишга улгуради ва сенинг снарядларингни душман устига ёғдиради!

Ҳафтасига уч марта «Тошкент» Қрим томон борар ва қайтиб келарди. У бутун йўлни жанг билан босиб ўтарди. Менг, ниҳоят навбатдаги сафар вақти ҳам етиб келди. Бу «Тошкент»нинг сўнгги сафари эди.

26 июнь куни «Тошкент» Новороссийскда 142-Сибирь бригадасининг мингдан зиёд жангчисини, уларнинг қурол-яроғини ва юзлаб тонна ўқ-дорини ўз бортига олди. У Севастополь томон шошарди. «Безупречний» эсминеци ундан бир неча соат олдин жўнаганди. Унинг бортида 400 жангчи бор эди.

«Тошкент» Ай-Тодор бурни дамбасига яқинлашганда кун қораяй бошлаган эди. Ҳадемай, олдинда «Безупречний» кўзга ташланиши керак эди. Лекин бирдан... кема кўринмаса керак бўлган жойдан осмонга сув устуни ва буғ кўтарилди. Кузатувчилар самолётларни кўриб қолишди. Улар денгиз устида паст айланиб учар ва пулеметдан сувга қарата ўт очардилар. Мазут аралаш сув юзида сузиб юрган тахта парчалари орасида юзлаб кишилар чўкиб борарди. Йўқ, улар ёрдамга чақиришмасди. «Тошкент»га қараб: «Севастополга боринглар!» деб ҳайқиришарди.

— Қамиш бухтасига кечаси етиб келдик, — деб эслайди ўша пайтда «Тошкент» кемаси жасорати ҳақида кўплаб сурат олган ТАССнинг фотомухбири А. Межуев. — Соҳилда икки мингдан зиёд яradор, болалар, аёллар кутиб турган экан. Улар иккита кема келади, деб ўйлашганда! Ҳаммаси кема бортига олинди. Кубриклару йўлаклар ҳам тўлиб кетди. Улкан ўрамни ҳам олишга тўғри келди. Бу машҳур «Севастополь панорамаси»нинг чизмалари эди. Полотнони ёнаётган бинодан олиб чиқишганди.

Эрталаб соат бешларда роса юк ортган ва бутун ўқ-дориларини отиб тугатган «Тошкент»га денгизда бомбардимончи самолётлар ҳужум қилиб қолишди. Душман самолётлари икки томондан тинимсиз ҳужум қилиб турди. Тўрт соат ичида улар кемага уч юз ўттиз олтита бомба ташладилар. Кема атрофида эса бир ярим баравар кўп бомба портлади. Лекин «Тошкент» ёриб ўтди. У Новороссийскка ярим чўккан, тамом бўлган бир ҳолатда етиб келди. Кема ҳолдан тойиб, судралиб бориб бандаргоҳ деворларига суянди. Шунда денгизчилар «Тошкент» омон-эсон етказиб келган болаларни туширишга киришдилар.

«Тошкент» экипажи неча минг кишининг ҳаётини сақлаб қолганини биз билмаймиз. Шу мардонавор кема туфайли Севастополь ўзини неча кун мудофаа қилиб турди? Ўша куни неча нафар бола қутқарилганини ҳам биз ҳисоблаганимиз йўқ. Улар икки юзтамиди? Ёки беш юзта? Буни фақат қутқарилганларгина билади.

Буёғини айтиш оғир...

2 июль куни соат 12 да кутилмаганда фашист самолётлари қуруқлик томондан Новороссийск бухтасига ёриб кирдилар. Ҳаво ҳужумига қарши постлар уларни ўзимизники гумон қилиб ўтказиб юборишган экан. Иккита бомба ҳаракатсиз турган кема устига келиб тушди ва унинг тақдирини ҳал қилди. Портлашдан сўнг қирқ секунд ўтгач, кема чўкиб кетди. Ҳозиргина палубада юрган турбиначилар, қозончи ва машинистлар ўз постларига ташланишди. Лекин кемани ҳаракатга келтиришга улгуриша олмади. Кема сингари улар ҳам сўнгги дақиқаларини жанговар постларида кутиб олишди...

(«Новое время»дан).

ХОТИРА ВАХТАСИ

Миллионлаб совет кишилари Буюк Ғалабанинг 40 йиллиги шарафига хотира вахтасида меҳнат жасорати намуналарини кўрсатмоқдалар. Чирчиқ шаҳар саноат корхоналари, қурилиш ва транспорт корхоналарининг ишчилари қаҳрамон шаҳарлар — Москва, Ленинград, Волгоград меҳнаткашлари бошлаган ватанпарварлик ташаббусини яқдил бўлиб қувватлаяптилар.

Шаҳар ишчи коллективларида ўтаётган митингларда сўзга чиққанлар 4 май куни Улуғ Ватан урушида совет халқи қозонган тарихий Ғалабанинг 40 йиллигига бағишлаб ўтказиладиган Бутуниттифоқ шанбалигида фаол қатнашажакларини таъкидламоқдалар. Қийин эрийдиган ва ўтга чидамли металлар комбинати, трансформатор, «Ўзбекхиммаш» заводлари коллективлари шанбаликда энг юқори меҳнат унумдорлигига эришишга ҳозирланмоқдалар.

Юзлаб ишчилар шанбалик куни сменада 1,5—2 норма иш бажаришга аҳд қилдилар. Қурилиш материаллари ва конструкциялари комбинатининг Д. Ермоленко, Т. Аъзамов бошлиқ бригадалари ҳар кундагига қараганда юксак суръат билан ишлашга аҳд қилдилар. 10-автобаза коллективи тежалган ёнилғи ҳисобига 34 минг тонна юк ташиб бериш, иқтисод қилинган материаллардан фойдаланган ҳолда 21 машинани ремонтдан чиқаришга тайёрланмоқдалар.

Р. ДАМИНОВ.
Чирчиқ шаҳри.

ЖУРНАЛИСТЛАР БИЛАН УЧРАШУВ

Яқинда пойтахт журналистларининг навбатдаги матбуот конференцияси бўлиб ўтди. Конференцияда социалистик мулкни муҳофаза қилишни кучайтириш ва бошқа ҳуқуқ бузилишларига йўл қўймайдиган шароитни вужудга келтириш партиямизнинг интизом ва тартибни қатъий мустаҳкамлаш соҳасида олиб бораётган ишининг муҳим йўналиши эканлиги таъкидланди.

Конференцияда Ўзбекистон ССР прокурори А. В. Бутурлин қатнашди ва пойтахт журналистларининг кўпгина саволларига жавоб берди.

Ф. АБДУРАҲИМОВА.

ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИДА

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми қишлоқ хўжалигида кўп йил самарали ишлаганлиги, жамоат чорвачилигини ривожлантиришга катта ҳисса қўшганлиги учун Андижон ,область ветеринария лабораториясининг директори ўртоқ Егор Васильевич Куранова «Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган чорвачилик ходими» фахрий унвони берди.

КПСС Марказий Комитетининг талаблари, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг XVI ва XIX пленумлари қўйган вазифалар даражасида бўлайлик!

ЯНГИЧА ИШЛАШ —ДАВР ТАЛАБИ

УРГАНЧ ШАҲАР ПАРТИЯ КОМИТЕТИ ПЛЕНУМИДАН

Шаҳар саноати беш йилликнинг ўтган тўрт йили ичида планга қўшимча 16 миллион сўмлик маҳсулот етказиб берди, халқ истеъмоли буюмлари ишлаб чиқариш ҳажми анча ошди. Беш йилликнинг якунловчи йили маромли эришилган муваффақиятлар мустаҳкамланаётганлигидан далолат беради. Биринчи квартал товар маҳсулоти ҳажми ўтган йилнинг шу давридагига нисбатан 6,7 процент кўпайди.

Халқ хўжалигини ривожлантиришда қўлга киритилган ютуқларнинг ҳал қилувчи омилларидан бири — кадрлар билан ишлашни такомиллаштиришдир. Ҳозирги кунда кадрлар масаласи ғоят актуал эканлиги, КПСС Марказий Комитети 1985 йил март Пленуми, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг XVI ва XIX пленумлари қарорларида белгиланган йўл оғишмай амалга оширилиши зарурлиги шаҳар партия комитети пленумида якдиллик билан таъкидланди.

Шаҳар партия комитетининг биринчи секретари Э. Раҳмонов докладида, нотиқларнинг нутқларида кадрлар билан ишлашнинг аҳволи ишчанлик, ўзаро талабчанлик вазиятида холисона, конкрет таҳлил этилди. Яхши ишлар, тажрибалар ҳақида гапириш билан бирга ишдаги нуқсонлар, етилган масалалар тўғрисида жиддий ва ошкора айтилди.

Шаҳар партия комитети Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети XVI пленуми қарорлари асосида кадрларга талабчанликни кучайтириш, салбий ҳодисаларга, қонунларнинг бузилишига қарши шафқатсиз курашиш, вазиятни соғломлаштириш борасида муайян тадбирларни амалга оширди. Ўз обрўсини тўкиб қўйган, КПСС Уставини бузган ходимлар қилмишларига яраша жазоланди. Совхозлар қурилиши бирлашган дирекцияси директори Р. Жуманиёзов, пойабзал ремонти бирлашмасининг цех мудири Р. Маткаримов хизмат вазифаларини суиистеъмол қилганликлари, «Ўзтрансспецстрой» ишлаб чиқариш бирлашмаси бош инженери Р. Сон давлат мулкига хиёнат қилганлиги, 13-автомобиль корхонасига қарашли колонна бошлиғи В. Чеботарев порахўрлиги учун партиядан ўчирилиб, жиноий жавобгарликка тортилди.

Пленум қатнашчилари турмушимизни ёт ҳодисалардан тозалаш муваққат кампания эмаслигини, бу ишни қатъият билан давом эттириш зарурлигини таъкидлашди, тартиб-интизомни бузаётган раҳбарлар қаттиқ танқид қилинди.

Маҳсулот сифатини яхшилаш ҳақида шовқин-сурон кўп, натижа эса ачинарли. Маҳсулотлар умумий ҳажмида олий сифат категорияси атиги 6,8 процентни ташкил этади. Ўтган йили истеъмолчилардан 59 рекламация олинган. Хом ашё, ёқилғи ва материалларни нормадан ортиқча сарфлаш фактларига барҳам берилмаётир. 8 та қурилиш ташкилоти квартал планини бажармади, 21 та ташкилот қурилиш суръатини ўтган йилдагига нисбатан пасайтириб юборди.

Хўжалик ва маданий қурилишда юз бераётган нуқсонларга сабаб нима? Бунинг асосий сабаби—раҳбар ходимларнинг топширилган иш учун масъулияти талаб даражасига кўтармаганлиги, шаҳар партия комитети, айрим бошланғич партия ташкилотлари кадрлар билан ишлашни яхши йўлга қўймаганлигидадир. Комитет ва партбюро мажлисларида кадрларни тасдиқлаш, вақти-вақти билан уларнинг ҳисоботини тинглашгина кифоя эмас. Коммунистлар ва раҳбар ходимларнинг амалий фаолияти ва маънавий қиёфаси, гражданлик бурчига муносабати, сиёсий билими ва иш малакаларини тинмай ошира бориши партия ташкилотларининг кундалик назорати остига олинмоғи керак.

Партия ташкилоти ва кадрлар фаолиятининг самарадорлиги омма билан алоқани мустаҳкамлаш. кишиларнинг кайфиятини, эҳтиёжларини билиб туриш, уларнинг овозига қулоқ солиш ва меҳнаткашлар тўғрисида ғамхўрликни кучайтиришга кўп жиҳатдан боғлиқдир. Шаҳардаги меҳнат коллективларида бу йил ўтказилган ягона сиёсий кунларда раҳбар ходимларга ҳаётий муҳим масалаларга доир 382 савол тушди. 357 талаб ва таклиф шу вақтнинг ўзида ҳал қилинди. Мулоқотнинг бу формаси, шунингдек, очиқ хатлар куни, суҳбатлар, доклад ва лекциялар кишилар билан яқин алоқада бўлишга ёрдам беради. Шаҳар партия комитети ҳали бу жабҳада кўп иш қилиши, совет, касаба союз ва комсомол ташкилотларининг меҳнат коллективларидаги ташкилотчилик ва тарбиявий ишларини янада яхшилашга эришмоғи зарур.

Пленум қабул қилган қарорда шаҳар коммунистлари КПСС XXVII съезди шарафига кенг авж олган социалистик мусобақага моҳирлик билан етакчилик қилишга, беш йиллик ва унинг якунловчи йилида белгиланган марраларни эгаллашга маҳкам бел боғлаганликлари изҳор этилди.

Ф. ЗОҲИДОВ,
«Совет Ўзбекистони» мухбири.

ЖАВОБГАРЛИК ҲИССИ

Ленинобод район партия комитетининг пленумидан

Район партия ташкилотларида кадрлар билан ишлаш, уларга нисбатан талабчанликни ошириш борасида муайян ишлар қилинди. Лекин бу соҳада ҳали камчиликлар анчагина бор. Райкомнинг яқинда бўлиб ўтган пленумида докладчи — район партия комитетининг биринчи секретари Н. Сейтназаров ва нотиқларнинг нутқларида кадрларни танлаш, тарбиялаш, жой-жойга қўйишдаги камчиликлар, ишдаги нуқсонларни бартараф этиш масалалари чуқур таҳлил этилди.

Райондаги айрим раҳбар ва масъул ходимлар ҳамон қўшиб ёзиш, сифатсиз қурилган объектларни фойдаланишга топшириш йўлидан воз кеча олмаяптилар. Улар ўз лавозимларини суиистеъмол қилиб, КПСС Устави талаблари, партия турмуши нормалари ва раҳбарликнинг ленинча принципларини қўпол равишда бузаётирлар, шахсий бойлик орттиришга ружу қўймоқдалар. Шуни айтиш кифояки, кейнги пайтда область партия комитети номенклатурасидаги 6, район партия комитети номенклатурасидаги 12, партия комитетлари номенклатурасидаги 39 раҳбар ходим ишдан бўшатилди.

«Олтинкўл» совхозининг бригада бошлиғи С. Қурбонбоев, Свердлов номли совхоз партия комитети секретари А. Исмоилов, 37-кўчма механизациялашган колонна бошлиғи П. Бекжоновлар қишлоқ хўжалигида давлатни алдаш, қўшиб ёзиш қандай оқибатларга олиб келганлигини ташвишланиб гапирдилар. Биргина «Олтинкўл» совхозида пландан зиёд экилган ўнлаб гектар шоли майдони статистик ҳисоботлардан яшириб қолинган. Бу қингир ишга йўл қўйганлари учун совхоз директори П. Караматдинов, бош агроном Е. Олломбергановларга жиддий партиявий жазо берилди.

Қишлоқ хўжалигини комплекс механизациялаштириш борасидаги камчилик ва нуқсонлар тармоқни интенсив ривожлантиришга, ҳосилдорликни оширишга тўғаноқ бўляпти. Ўрта бўғин кадрлари прогрессив технологияни, илғор тажрибаларни жорий қилишда ташаббус кўрсатмаяптилар. Янги машина ва механизмлар очиқ ҳавода қолиб, ишдан чиқмоқда. Совхозларда асосий фондлардан фойдаланиш талабга жавоб бермайди. Ўтган йили Дзержинский номли совхозда бир сўмлик асосий фонд ҳисобига 12, Жуков номли совхозда 8 тийинлик қишлоқ хўжалик маҳсулотлари ишлаб чиқарилди.

Механизатор кадрлар тайёрлашга, улар муқим ишлаб қолишларига эришилмаганлигидан райондаги 550 комбайннинг 200 тасидан унумли фойдаланилмаётир. Оқибатда шоли ўриш-янчиш, тайёрлаш ишлари 25-30 кун ўрнига 90-100 кунлаб ва ундан кўпроқ муддатга чўзилмоқда. Натижада кўп ҳосил нобуд бўлмоқда. Ўтган йили олти совхоз планни бажармади. Хўжалик йилини Свердлов номли совхоз 1 миллион 407 минг сўм, «Партия XXII съезди» совхози 588 минг сўм, Жуков номли совхоз 429 минг сўм, «Советская Каракалпакия» совхози 300 минг 600 сўм зарар билан якунладилар.

Ер ости сувлари кўтарилиб, чигит, шоли ва бошқа экинлар экиладиган майдонлар захланиб кетмоқда. Район агро-саноат бирлашмаси бош агрономи Д. Абдуқодиров, ер тузувчи Ж. Жомуротовларнинг масъулиятсизлиги оқибатида алмашлаб экишга ўтиш пайсалга солинмоқда. Озуқабоп экинлар салмоғи 30-35 процент ўрнига 15 процентга ҳам етмаяпти.

Жуков номли совхознинг сут соғувчиси Ў. Сейтмуратова, Дзержинский номли совхоз директори Ж. Шомуротов, «Ленинград» совхозининг ишчиси Ш. Қўсбергановалар ем-ҳашак базасини мустаҳкамламасдан турибгўшт, сут, тухум ва бошқа чорва маҳсулотлари етиштиришни кўпайтириш асло мумкин эмаслигини уқтириб ўтдилар. Ўтган уч йилда озуқабоп экин экиладиган майдонлар 1094 гектар камайтириб юборилди.

Баъзан кадрларни танлаш, лавозимларга тайинлашда уларнинг тажрибаси, билимдонлиги ҳисобга олинмаяпти. Йигирмадан кўпроқ ўқитувчи халқ хўжалигининг ўрта ва қуйи бўғинларида ишлаяпти. Фермаларда бironта ҳам олий маълумотли мутахассис йўқ. Айни пайтда олий маълумотли зооотехниклардан Ж. Омонқўшов ва Ў. Жумашбоевлар Олтинкўл кўчма механизациялашган колоннасида бухгалтер бўлиб ишлашмоқда. Бу район партия комитети, унинг бюроси, бошланғич партия ташкилотларининг кадрларни пухта ўрганишга эътибор бермаётганликларини кўрсатади.

Ҳар бир коммунист, ҳар бир меҳнатчи интизомга қатъий риоя қилиши шарт. Коммунистлардан план ва топшириқларни ошириб бажариш, жамоат ишларида намуна кўрсатиш талаб этилади. Ҳолбуки, текширишлар меҳнат коллективларида бепарволик, масъулиятсизлик, иш вақтидан самарали фойдаланмаслик, ишга кечикиб келиш, ишга келмай қолиш фактлари содир бўлаётганлигини кўрсатмоқда.

Пленум қабул қилган қарорда кадрларни танлаш ва тарбиялаш билан узлуксиз шуғулланиш, танқид ва ўз-ўзини танқидни, талабчанликни кучайтириш, 1985 йил ва умуман ўн биринчи беш йиллик план ва топшириқларини муддатидан олдин бажариш, КПСС XXVII съездини муносиб кутиб олиш тадбирлари кўзда тутилди.

Р. ЕШИМБЕТОВ,
«Совет Ўзбекистони» мухбири.

«Совет Ўзбекистони» материаллари изидан

«Масъулиятсизлик»

Газетанинг шу йил 20 февраль сонида босилган юқоридаги сарлавҳали танқидий мақолада Сурхондарё областининг бир қатор районларида қишлоқ хўжалик техникасини мавсумга тайёрлашда қатор камчилик ва нуқсонларга йўл қўйилаётгани кўрсатиб ўтилган эди.

Ушбу мақола юзасидан СУРХОНДАРЁ ОБЛАСТЬ ПАРТИЯ КОМИТЕТИдан олинган жавобда қуйидагилар маълум қилинади:

— Танқидий мақола «Госкомсельхозтехника» область бирлашмаси бўлинмалари, колхозлар ва совхозлар коллективлари йиғилишларида муҳокама қилинди. Шунингдек, мақола район партия комитетларида ҳам кўриб чиқилди. Ангор, Шеробод, Қумқўрғон, Шўрчи, Гагарин районлари «Госкомсельхозтехника» бошқарувчиларига, Термиз ремонт заводи директорига техникани мавсумга тайёрлашда ишлар бўш йўлга қўйилганлиги, ремонтнинг сифати пастлиги кўрсатиб ўтилди. Бир қатор хўжаликлар бош инженерлари қаттиқ огоҳлантирилдилар.

Мавжуд камчиликларни бартараф этиш, ремонт суръатини ошириш мақсадида ремонт бригадаларининг ишини икки сменада ташкил этиш ва уларни эҳтиёт қисмлар билан таъминлаш юзасидан қўшимча чора-тадбирлар амалга оширилди.

Кўрилган тадбирлар область хўжаликларида қишлоқ хўжалик техникасини тайёрлаш аҳволини яхшилаш, барча зарур машина ва агрегатларни мавсумга ҳозирлаш имконини берди.

Чет элларда

ВОҚЕАЛАР • ХАБАРЛАР • ФАКТЛАР • ШАРҲЛАР

ЛЕНИН ЙЎЛИДАН

Халқаро оммавий ахборот органлари КПСС Марказий Комитетининг Москвада бўлиб ўтган Пленумини зўр сиёсий аҳамиятга молик воқеа деб баҳоламоқдалар. Чет эл матбуоти Пленум материалларини, КПСС Марказий Комитети Бош секретари М. С. Горбачевнинг Пленумда сўзлаган нутқини кенг миқёсда эълон қилиб, Совет Иттифоқи КПСС XXVII съездига тайёргарлик кўрар экан мамлакатни бундан буён ҳам ҳар томонлама ривожлантиришнинг, мамлакат социал-иқтисодий тараққиётини жадаллаштиришнинг, совет кишилари фаровонлигини оширишнинг, социалистик демократияни чуқурлаштиришнинг улуғвор программасини илгари сурмоқда, ўзининг тинчликка интилишга азму қарор берганлигини қайта-қайта намойиш этмоқда, деб таъкидламоқда.

«Ленин партияси — халқнинг авангарди», «Совет Иттифоқи ленинча тинчлик йўлидан қатъият билан олға бормоқда», «Асосий мақсад —ядро урушининг олдини олиш», «Тинчлик учун, жамиятни ҳар томонлама ривожлантириш учун» деган сарлавҳалар остида Пленум материалларини социалистик ҳамдўстлик мамлакатларининг газеталари биринчи саҳифаларида эълон қилмоқдалар. Москвада, деб ёзади Болгарияда чиқадиган **«Работническо дело»** газетаси, партия XXVI съездида ва КПСС Марказий Комитетининг кейнги Пленумларида ишлаб чиқилган стратегик йўлнинг давомийлиги яна бир бор тасдиқланди. Ленинча тушунчада давомийлик — доимий олға ҳаракат қилиш, янги-янги проблемаларни аниқлаб ҳал этиш, ривожланишга халақит берадиган ҳамма нуқсонларни тугатиш демакдир. КПСС ана шу ленинча анъанага амал қилиб партия сиёсатини, ривожланган социалистик жамиятни такомиллаштиришнинг бош йўлини бойитмоқда ва ривожлантирмоқда.

КПССнинг бўлажак XXVII съезди СССР тараққиётида бениҳоя муҳим босқич бўлиб қолишига шак-шубҳа йўқ, деб таъкидлайди Венгрияда чиқадиган **«Непсабадшаг»** газетаси. Съезднинг аҳамияти унинг муҳокамасига қўйиладиган масалаларнинг ғоят муҳимлиги, совет жамияти олдида пайдо бўлаётган вазифаларнинг янгилиги ва кенг миқёси билан белгиланади. Экономикани интенсивлаш ва фан-техника тараққиётини тубдан жадаллаштириш проблемалари— КПСС бутун ишининг марказида турибди. Социалистик давлатлар ҳамдўстлигининг жипслиги, унинг иқтисодий ва мудофаа қудрати, унинг халқаро майдондаги ҳаракат бирлиги — инсониятнинг тинч келажаги учун курашда енгилмас кучдир.

Советлар мамлакати янги тузумнинг афзалликларига таяниб, деб ёзади Чехословакиядаги **«Руде право»** газетаси, тарихан қисқа муддатда жуда катта, жозибадор муваффақиятларга эришди. Ишлаб чиқаришни, фан ва техникани ривожлантиришнинг кўпгина соҳаларида СССР дунёда етакчи позицияларни мустаҳкам эгаллаб турибди. Бироқ турмуш, унинг узлуксиз оқими бундан буён ҳам ўзгаришлар ва янгиликлар бўлишини, жамиятнинг янги сифат ҳолатига эришишни тақозо этади. Совет Иттифоқи қардош социалистик мамлакатлар билан ўзаро алоқаларни бундан буён ҳам мустаҳкамлайверади ва ҳамкорликни ривожлантираверади.

КПСС, Совет давлати ядро урушига йўл қўймасликни ўз ташқи сиёсий фаолиятининг энг асосий маъноси деб билади, деб уқтиради ГДРда чиқадиган **«Нойес Дойчланд»** газетаси, Совет Иттифоқи, унинг иттифоқчилари ва дўстлари урушнинг олдини олиш мумкинлигига аминдирлар. Бироқ тинчликни сақлаш ва ялпи хавфсизликни таъминлаш учун кураш— осон иш эмас. Бу иш тобора янгиянги куч-ғайратлар сарфланишини талаб қилади. Газета Совет Иттифоқининг Европада хавфсизлик ва ҳамкорликка бағишлаб Хельсинкида ўтказилган кенгашнинг ўн йиллиги муносабати билан Якунловчи актни имзолаган давлатлар номидан яна хатарли кескинликни бартараф этиш, халқаро турмушда тинч ҳамкорлик ва ижобий негизларни ривожлантириш иродаси изҳор этилсин, деган таклифи муҳим аҳамиятга эга эканини таъкидлайди.

КПСС раҳбари, деб уқтиради Югославиядаги ТАНЮГ агентлиги, Совет Иттифоқи социал-иқтисодий тараққиётининг стратегик истиқболини тасдиқлаб, халқ хўжалигида фан-техника ютуқларидан самарали фойдаланишнинг, бошқариш формалари ва методларини такомиллаштиришнинг муҳим аҳамиятини таъкидлади. М. С. Горбачев КПСС XXVI съезди ва Марказий Комитетнинг кейинги Пленумлари ишлаб чиққан стратегик йўлнинг давомийлигини тасдиқлади.

Америкадаги энг катта газеталар КПСС Марказий Комитетининг Пленуми ҳақида хабар қилиб, Пленумда Вашингтон маъмуриятининг ташқи сиёсий йўли кескин танқид қилинганини уқтиради. Москва айтдики, деб ёзади шу муносабат билан **«Нью-Йорк таймс»** газетаси, АҚШ бир битимга эришишга интилмаётганини Женевадаги музокараларнинг биринчи навбати кўрсатди, Вашингтон эса шу пайтгача аҳдномаларни бузмоқда, бу аҳдномаларга риоя этиш амалий музокаралар йўлини очган бўлур эди.

Эн-Би-Си телекомпанияси бундай деб уқтиради: «М. С. Горбачев АҚШни жуда қаттиқ танқид қилиб, уни бошқа мамлакатлар ва халқлар ҳуқуқларини тўғридан-тўғри қоймол этмоқда, уруш хавфини кучайтирмоқда, деб айблади. Совет Иттифоқининг фикрича, АҚШ қуролярғолар устидан контроллик қилиш соҳасида бир битимга эришишга интилмаяпти. АҚШ зиммасига қўйилган бу айб Женевадаги Совет— Америка музокараларининг биринчи давраси тугаган пайтга тўғри келди».

Оқ уй вакили Спикс Вашингтонда СССРнинг АҚШ билан муносабатларни яхшилашга тайёрлиги «табриклаб қолмоқда» деган гапни айтиш билан айни бир вақтда маъмуриятнинг урушқоқликдан иборат ташқи сиёсатини ва унинг Женева музокараларидаги бемаъниларча позициясини оқлашга уринди.

(ТАСС).

СУДАН ҚЎШИЛМАСЛИК ҲАРАКАТИ ПРИНЦИПЛАРИГА СОДИҚДИР

ҚОҲИРА. Судан қўшилмаслик ҳаракати принципларига содиқ бўлиб, халқларнинг ўз тақдирини ўзи белгилаш ҳуқуқини қўллаб-қувватлайди ва мустамлакачиликка қарши курашади, деди мамлакат Муваққат ҳарбий кенгашининг раиси Сивар ад-Дағаб. Давлатнинг ташқи сиёсати бошқа мамлакатларнинг ички ишларига аралашмасликка асосланган, дейилади Бандунг конференциясининг 30 йиллиги муносабати билан Судан раҳбарининг бу ерда эълон қилинган мурожаатида.

Сивар ад-Дағаб Фаластин халқи Фаластин Озодлик Ташкилоти раҳбарлигида ўз мустақил давлатини тузиш учун олиб бораётган курашни қўллаб-қувватлади ва жаҳонда янги, янада адолатли иқтисодий тартиб ўрнатилишига даъват этди. **(ТАСС).**

БАНДУНГДА ТАНТАНАЛАР

БАНДУНГ. Бу ерда Осиё ва Африка мамлакатлари Бандунг конференциясининг 30 йиллигига бағишланган юбилей тантаналари ўтказилмоқда. Байрам тантаналарида Осиё ва Африкадаги 80 дан ортиқ давлат ҳамда 4 та миллий озодлик ҳаракатининг вакиллари иштирок этмоқдалар. Улар орасида Афғонистон, Вьетнам, Лаос, Монголия, Ангола, АСЕН ташкилотига аъзо бўлган мамлакатлар, Жануби-Ғарбий Африка халқ ташкилоти (СВАПО), Фаластин Озодлик Ташкилоти вакиллари бор. Индонезия президенти Сухарто юбилей байрами бошланиши муносабати билан ўтказилган тантанали мажлисда сўзга чиқиб, Осиё ва Африка мамлакатлари инсониятнинг ялпи қирилиб кетишига сабаб бўладиган ядро ҳалокатининг олдини олиш учун қатъий курашадилар, деди. Сухарто ядровий ва космик қуроллар юзасидан Женевада бошланган Совет — Америка музокараларини табриклади.

(ТАСС).

ТЕЛЕТАЙП ЛЕНТАСИДАН

● ПРАГА. Чехословакиянинг Добржиш шаҳрида очилган икки кунлик халқаро семинар «Чех адабиёти фашизмга қарши курашда» асосий мавзуига бағишланди. Семинарда 200 дан ортиқ чех ва словак ёзувчилари, таржимонлар, адабий танқидчилар, чет эллардан, шу жумладан Совет Иттифоқидан 11 делегация иштирок этмоқда.

● БРЮССЕЛЬ. Ишсизлик ҳамон Европа иқтисодий ҳамжамияти мамлакатларининг ўткир иқтисодий проблемаси бўлиб қолмоқда. Ҳамжамият статистика бошқармасининг бу ерда эълон қилган маълумотларига кўра, ҳозирги вақтда «умумий бозор» мамлакатларида 13,3 миллион киши ёки меҳнатга яроқли аҳолининг 11,8 процентга меҳнат қилиш ҳуқуқидан маҳрумдир. (ТАСС).

ИНТЕРНАЦИОНАЛ БУРЧГА САДОҚАТ

ДЕСАНТЧИЛАР ЖАСОРАТИ

Мен Покистон билан чегарадош узоқ тоғ вилоятига учмоқчи бўлганимда, штабдагилар:

— Капитан Дементьевнинг десантчилар батальонига, албатта, боринг, — дейишди. — Батальонда жасур, қўрқмас йигитлар хизмат қилишмоқда. Яқинда улар душман пистирмасига тушиб қолишди. Аммо ўзларини йўқотиб қўйишмади. Оғир қуролли олишувга бардош беришди, ғалаба қозонишди.

Биз тушган кичикроқ «АН-26» транспорт самолёти кўкка кўтарилди. Ана, пастликда сукунатга чўмган тоғу тошлар, даралар. Сал ўтгач, самолёт қанотлари остида тоғларга туташиб кетган мўъжазгина водий кўринди. Якка-ёлғиз қишлоқ уйларининг бир хилдаги ясси томлари қуёш нурида ярқирайди.

Биз ана шундай тор водийлардан бирига қўндик. Самолёт бир оз титраб турганда сўнг лейтенант погонли ёш бортмеханик металл трапни олиб кетди. Самолёт парвозда яна давом этди. Биз эса борадиган жойимизга етиб келган эдик. Ниҳоят, десантчи жангчилар билан орзиқиб кутилган учрашув бошланди. Шахсий состав яшайдиган жойда жангчиларнинг ота-оналари, рафиқалари ва қайлиқлари, фарзандларининг суратлари осиб қўйилган. Улар шундоққина каравотлари ёнида. Жангчи юришдан ёки қийин топшириқни бажариб қайтгач, дам олаётган пайтида ўзи учун энг яқин кишилари суратига боқиб қўяди. Қалбига аллақандай илиқлик югуради. Қадрдон уйини, бу ердан анча олисда ўтган ёшлигини эслайди.

Йигирма беш ёшли рота командири, старший лейтенант Игорь Турсунбоев яқинда шаҳарчага чарчаб, бир оз ориқлаган ҳолда қайтиб келди. Бир неча кеча-кундуздан бери ечилмаган курткасининг ранги айниган. Елкасида автомати. У билан бирга яна бир неча азамат йигит қайтди. Кўринишларидан жангчиларга ўхшатиб бўлмайди. Аммо, ҳаммалари соғ-саломат. Ҳаммомда ювиниб олишди. Маза қилиб чойхўрлик қилишди. Турсунбоев каравоти ёнига боргач, ҳозир Киев яқинидаги шаҳарчада истиқомат қилувчи рафиқаси Любанинг, бир-биридан ширин икки ўғилчасининг суратларига узоқ тикилди. Кейин эса, ҳеч қандай ғайри-табиий воқеа бўлмагандай уйқуга кетди.

...Рота тоққа қараб борарди. Тўғрироғи, вертолётда учарди. Уларга муҳим объектларни қўриқлаш вазифаси топширилган. Солдатлар одатда қиладиган иш бу. Ҳар бир жангчи йўлга ўзи билан нима олишини яхши биларди. Озиқ-овқат, сув тўлдирилган флягалар, ўқ ўтмайдиган кийимлар, табиийки, қурол-яроғ, ўқ-дорилар. Тажрибали солдатлар эса гўштли консервани олмасаолмайдики, лекин автомати учун кўпроқ ўқ-дори, қўшимча бир неча жуфт граната олишни унутмайди. Тўғри, десантчиларда йирик калибрли пулемётлар, гранатомётлар бор эди. Энг муҳими, руҳлари тетик, бардам, ғайрат-шижоатга тўла эдилар.

Жангчилар келиб тушган район хавфли жойлардан бири эди. Тор тоғ сўқмоқлари ва қуриб қолган сой ўзани узра худди баҳайбат узум бошлари каби харсанг тошлар тушиб кетаман, дегандай осилиб турарди. Бу орада йўлни бир неча бор қоплонлар кесиб ўтди. Осмонда калхатлар бетиним айланарди. Бироқ ҳайвонлар ва қушлар қўрқинчли эмасди. Бу ерда қуролланган босмачи шайкалари тез-тез пайдо бўлиб турарди. Шунинг учун ҳар бир шитирлаган нарсага кўз-қулоқ бўлиб туриш зарур эди.

Бирдан қаёқдандир пулемёт тариллаб қолди. Турсунбоев группаси тўрт кишидан иборат эди. Булар: кичик сержантлар Юрий Суховеев, Бигижон Ҳасанов, Василий Мигдаляевлар эди. Баланд бўйли, қоматдор бу йигитлар тоғларда бир неча бор душман билан тўқнашувларга дуч келишган, армия хизматининг паст-баландини яхши ўзлаштириб олишган.

Тошкент яқинида ўсиб-улғайган, собиқ бетончи Суховеевнинг кўкрагида «Жасурлиги учун» медали порлаб турарди. У бўлимма командири бўлиб, ротасида энг яхши изтопар, деб ном чиқарган. Юра тор сўқмоқларда изларни бирпасда топар, дарёларнинг қуриб қолган сой ўзанларини излар, флягадаги ҳар бир қултум сувни тежаб-тергаб ишлатарди. Тўйтепада яшаган, тайёрлов базасининг собиқ ишчиси Ҳасанов ҳақида, олмаликлик Мигдаляев ҳақида ҳам худди шундай сўзларни айтиш мумкин. Вася ҳунар-техника билим юртини ерга таппа ташлаб, ҳар бири мудофаа учун каттароқ ҳарсанг тошларни танлади.

Офицер душман совет жангчилари кўп экан, деган хаёлга бориши учун солдатларга алоҳида-алоҳида бўлиб ёйилишни, турли позиция ва йўналишда жанг қилишни буюрди.

Ҳа, совет жангчилари бутун умр давомида эслаб юрадилар. Босмачилар автомат ва пулемётлардан тўхтовсиз отишар, ёритгич ракеталарни ишга солишарди. Улар бу билан жасур солдатларимизнинг қаерга яширинганини билиб олмоқчи бўлишарди. Бунга муваффақ бўлишмагач, гранаталарни, портлатгич солинган пакетларни, миналарни кетма-кет ота бошладилар. Аммо бизнинг йигитларимиз ўқ-дорилларни ҳисоблаб ва шароитга тўғри ёндашиб, нишонга аниқ ура бошладилар. Бунда автоматлардан қисқа-қисқа ўт очишарди. Тун зимзиёсида сал шарпа сезилса, ўшани нишонга олишарди. Рота командири ҳоз берган воқеа ҳақида рация орқали марказга хабар беришга улгурди. Чекинишга йўл йўқ. Тонггача бир амаллаб босмачиларни тўхтатиб туриш керак. Чунки, ҳамма, албатта, ёрдам келишига ишонарди. Ана шунда душманлар уяларига кириб кетишар ёки қочиб қолишарди. Жангчиларимиз орқага чекинмадилар. Ёзувчи Леонид Соболевнинг «Тўртлар батальони» ҳикоясида тасвирланган афсонавий қораденгизчи жангчилар каби ўзларини матонатли тутдилар. Ўшанда, қирқ иккинчи йилда Севастополь мудофааси чоғида тўрт десантчи қамалга тушиб қолса-да, душман ҳужумини мардона қайтариб турди. Бешинчи десантчи оғир яраланган эди. Улар чап қўлларида автоматларини, ўнг қўлларида эса гранаталарни қўтарган ҳолда фашистларга қарши ташланишди. Улар ғолиб чиқишди. Шунда, жанг тугагач, Л. Соболев ёзганидек, матросларнинг йўл-йўл ички қўйлагидаги, соябонсиз қора шапкасидаги, ҳамма ёқлари қонга бўялган, аммо руҳлари тетик, яна жанг қилишга, юзлаб душманнинг ҳужумини қайтаришга тайёр турган тўрт киши ўринларидан турди. Шунда Перепелица:

— Бир денгизчи — денгизчи, икки денгизчи — взвод, уч денгизчи — рота... Хўш, биз неча кишимиз? Тўрт кишимиз. Демак, батальонмиз, — дейди. — Батальон буйруқни эшит: шагом... арш!

Бу ерда ҳам шундай бўлди. Тўрт нафар жасур жангчи катта шайкага қарши жанг қилди. Ҳар бир солдат ёндаги жанговар дўстига, командирига ишонарди. Командир эса уларга ишонарди. Ҳар бир жангчи тажрибали ҳарбий раҳбар бошчилигида мактабдан ўтган, ҳунар-техника билим юрти қошидаги ёзги ҳарбий-спорт лагерида чиниққан, район ҳарбий комиссариатида ва ДОСААФ тўгаракларидаги машғулотларда кўзи пишиган. Армияга чақирилгач эса ҳаммалари ўқув марказида жанговар топшириқлар қандай бажарилишини ўрганишган. Жасур, кучли кишилар эса ўтда ёнмайди, сувда чўкмайди.

Тажрибали Суховеев офицер томонидан анча хавфли участкага қўйилганди. Унда патронлар, гранатомётлар етарли миқдорда эди. Босмачилар кичик сержантни сезиб қолишгач, уни тириклайин қўлга олиш мақсадида у тарафга ўрмалай бошладилар. Бироқ янглишган эдилар. Юра босмачилар жуда яқин келишганда автоматини ишга солди. Кейин гранаталарни ирғитди. Душман тоғу тошларда бир неча мурдани қолдириб, қочишга мажбур бўлди.

Ҳасанов, Мигдаляев ҳам душман ҳужумини мардонавор даф қилиб турдилар. Старший лейтенант Турсунбоев ўқ ёғдириб гоҳ унисини, гоҳ бунисини тўсиб турди. Қулай вазият туғилгач, Суховеев позициясига ўтди. Олий командирлар билим юртини тугатган, Узоқ Шарқда десантчи-штурмчилар взводига командирлик қилишга улгурган бу офицер ҳаётда ҳаммадан кўра солдатни севар ва унинг қадрига етарди. У қўл остидаги жангчиларнинг ҳаёти ва омон-эсон юртига қайтиши учун ўзини жавобгар, масъулиятли, бурчли ҳисобларди. У солдат ҳаётини ўзининг шахсий шон-шарафи деб биларди.

Офицер бу тунда йигитларини йўқотмади. Тонгга яқин ёрдам етиб келди. Кейинчалик жангчиларимиз босмачилар бу тоғ сўқмоқларини бекорга қўриқламаётганликларини билиб олишди. Босмачилар бу ерга ҳеч кимни қўймасликка бекорга аҳд қилмаган эканлар. Улар кимки бу ерда пайдо бўлса, ҳаммасини қириб ташлашга онт ичган эдилар.

Маълум бўлишича, Покистондан бу районга қуроляроғ ортган катта карвон келаётган экан. Карвон ҳеч қандай шовқин-суронсиз, шошилмай, фақат кечалари ҳаракат қилаётганди. Унда автоматлар, йирик калибрли пулемётлар, миномётлар, миналар, снарядлар, милтиқлар бор эди.

Афғонистон жангчилари карвонни тор-мор келтириб, қурол-яроғларни қўлга киритишганда, менга ўлжа олинган чет эл «совға»ларидан бир қисмини кўрсатишди. Уларнинг ҳаммаси яп-янги, мойлари артилмаган, жилдли, ғилофли эди. Уларда Англия, Италия, Исроил, Миср каби бир қанча мамлакатларнинг муҳри бор. Америка Қўшма Штатларининг махсус хизмат бўлинмалари бу тинч, мустақил давлатга қарши эълон қилинмаган урушга қанчаданқанча мамлакатларни жалб қилганлигини ўйласанг, этинг жунжикиб кетади.

...Энди тўрт нафар жасур совет солдатига қайтайлик. Улар Афғонистондаги чекланган совет қўшинлари қисмида қийин, аммо шарафли хизматни давом эттиришяпти. Йигитлар юксак мукофотлар билан тақдирланишди. Ҳадемай, уй-уйларига тарқалишади. Шунда улар:

— Ватан топширигини ва интернационал бурчимизни шараф билан адо этдик, — деб баралла айтишади.

Ю. КАРМАНИЦКИЙ,
АПН мухбири.

«СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ» РЕЙДИ

КЎКЛАМ КУТИБ ТУРМАЙДИ

— Ўтган йили қиш эрта тушиб, ерлар музлаб қолди. Шу туфайли, — дейди Қизилтепа районидаги «Ленинград» колхозининг бригада бошлиғи Мавжуда Шарипова, — шудгорлаш, шўр ювиш каби ишларни баҳорда бажаришимизга тўғри келди. Ишни уюшқоқлик, омилкорлик билан олиб борганимиз ўз самарасини берди. Чигит экишни вақтида тугаллаб олдик.

Уюшқоқлик, тадбиркорлик, ишчанлик Ўзбекистон Ленин комсомоли мукофотининг лауреати М. Шарипова бошлиқ бригадага, умуман «Ленинград» колхози аъзоларига хос. Бу хислатлар чигитни тупроқнинг ўз намига ундириб олишда яна бир бор намоён бўлди. Қисқа муддатда 700 гектардан ортиқ майдонга ингичка толали пахта уруғи қадалиб, униб чиққан ғўзаларга қизғин ишлов бериш бошлаб юборилди.

Қизилтепа районининг бошқа хўжаликлари деҳқонлари ҳам ана шундай йўл тутдилар. Натижада район областда биринчи бўлиб чигит экишни якунлади. Мавжуд 12800 гектар майдоннинг асосий қисмига ингичка толали уруғ қадалди.

Кўклам кутиб турмайди. Тадбиркор деҳқон унинг ҳар бир дақиқасидан самарали фойдаланади, баҳорги юмушларни ўз вақтида бажаришга интилади. Чунки бу пайтда бой берилган ҳар бир фурсат қимматга тушиши, юксак мажбуриятларнинг бажарилишига салбий таъсир кўрсатиши мумкин. Лекин бу хатирчилик, навбаҳорлик айрим хўжалик раҳбарлари ва пахтакорларни унчалик ташвишга солмаётганга ўхшайди. Негаки, улар ҳамон чигит экишни паст суръатларда олиб боришяпти, бўшашувчанликка, ўзибўларчиликка йўл қўйишяпти.

Хатирчи районидаги «Коммунизм» колхози бригада бошлиғи Қ. Товмуродов билан далада учрашдик. У трактор борона қилаётган майдон ўртасида негадир ўй суриб турарди. Унинг бригадасида чигит экиш кечикиб кетмоқда. Эндигина 28 гектар майдонга уруғ қадалибди. Қолган 45 гектар ерни экишга тайёрлаш ишлари ҳам яхши бормаяпти. Куни кеча сўнгги гектарларга яхоб суви берилди. Бу майдонлар экишга кам деганда 5-6 кунда тайёр бўлади.

Шу боис бригадир ишни қандай қилиб тезлаштириш, интизом ва уюшқоқликни таъминлаш тадбирларини бафуржа ўйлаб олаётган бўлса керак, деган фикрга бордик. Афсуски, фикримиз нотўғри чиқди. Қ. Товмуродов ҳатто бир гектар ерга қанча уруғ сарфланаётганлигини, дала ишларида қанча киши иштирок этаётганлигини аниқ билмас экан. Ер ҳам планировка қилинмаган, нотекис, сифатсиз бороналанаётган эди. Агар бу ерга шундай қўлатда чигит қадалса, унинг ярми ҳам униб чиқиши амримаҳол. Чунки шудгор кеч қилинганлиги, чизелланмаётганлиги оқибатида тупроқ кесакка айланиб қолган. Бунинг устига пайкалнинг бир қисми кўллатиб, бошқа жойи чўллатиб суғорилган.

Бригадада социалистик мусобақа йўлга қўйилмаган. Колхозчиларнинг самарали меҳнат қилиб, вақтида дам олишлари учун етарли шарт-шароит яратилмаган. Мавсумий болалар боғчаси ишламаётганлиги сабабли болали аёллар далага чиқмаяпти.

Умуман, хўжаликнинг кўплаб коллективларида Қ. Товмуродов бошлиқ бригададагига ўхшаш аҳвол юз бермоқда. Натижада «Коммунизм» колхози 22 апрелгача чигит экиш планини бор-йўғи 56 процент бажарди.

Хўш, аҳволни яхшилаш, чигит экишни тезлаштириш учун колхоз правлениеси ва партия ташкилоти қандай чора-тадбирларни амалга оширмоқда? Ишлаб чиқилган тадбирлар плани, ўтказилган йиғилишлар протоколи билан танишсангиз, улардан хўжалик аҳволини чуқур билмай, коллективга юзаки раҳбарлик қилинаётганлиги аён бўлади. Аввалига чигит экишни апрелнинг биринчи ярмида, кейин 20-кунида тугаллашга қарор қилинди. Лекин ҳар иккала тадбир қоғозда қолиб кетди. Эндиликда экишни 28 апрелда якунлаш кўзда тутилаётир. Дала ишларининг сустлиги эса ҳозирнинг ўзида бу режанинг амалга ошмай қолишидан далолат беряпти.

Илғорлар тажрибасини кенг ёйиш, уларни меҳнатига яраша тақдирлаш, қолоқларга амалий ёрдам кўрсатиш сингари энг муҳим масалалар колхоз раҳбарларининг диққат-эътиборидан четда қолмоқда. Масалан, З. Тойлоқов, М. Бобоёров, Р. Ҳусанов бошлиқ бригадалар чигит экишни биринчи бўлиб якунлашган эди. Улар билан ер шароити бир хил бўлган бригадаларда эса эндигина планнинг тенг ярми уддаланди, холос. Аммо илғор коллективларнинг муваффақият сирлари ҳеч кимни қизиқтирмади.

Киров номли колхозда ҳам меҳнат кўтаринкилиги пасайиб кетган. Бунга коллектив меҳнатига ўз вақтида баҳо берилмаслиги, кишиларнинг топширилган ишни қандай ва қайси муддатда бажараётганлиги билан қизиқмаслик, қолаверса, ишчи кучи, айниқса, механизаторларнинг етишмаслиги, колхоз правлениеси ва партия ташкилотининг юзаки раҳбарлик услуби ҳам сабаб бўлмоқда. Оқибатда ҳайдов тракторлари бир сменада ишлатиляпти. Далада асосан аёллар, мактаб ўқувчилари ишлашмоқда, ерлар экишга ўз вақтида тайёрланмаган. Ҳалигача айрим пайкалларга яхоб суви берилаётир.

— «Госкомсельхозтехника» район бирлашмасининг ўз вақтида ёрдам кўрсатмаётганлиги ҳам экиш ишларининг кечикишига сабабчи бўлмоқда, — дейди колхоз раиси Х. Шакаров. — Насосга эҳтиёт қисмлар етишмаслиги туфайли тўртта бригаданинг ерларини суғориш бир ҳафта орқага сурилиб кетди. Ҳозир учта трактор да аккумулятор, яна учтасида эса радиатор йўқ.

Хатирчи районидаги Акмал Икромов номли совхоз (директори И. Тўрақулов), Куйбишев номли колхоз (раиси М. Қурбонов)да экиш ишлари жуда суст олиб бориляпти. Район бўйича эса 22 апрелгача мавжуд 23 минг 430 гектар пахта майдонининг 16 минг 65 гектарига уруғ қадалди. Навбаҳор районида ҳам экиш ишлари кўнгилдагидек эмас. Оқибатда ўтган йиллар тажрибаси исботлаб берган энг мақбул муддатда — апрель ойининг биринчи ярмида чигит экиш ишларини тугаллаш вазифаси барбод берилди. Шу пайтгача 16350 гектар ернинг 10988 гектарига барака уруғи қадалди, холос.

Навоий области пахтакорлари ўн биринчи беш йиллиқнинг якунловчи йилида 64 минг гектар майдонга уруғ қадаб, 180 минг тонна пахта етиштириш мажбуриятини қабул қилишган. Юксак мажбуриятнинг бажарилиши энг аввало, чигит экиш ишларини ўз вақтида агротехника қоидаларига тўла риоя қилган ҳолда, қисқа муддатда якунлаш билан боғлиқ. Буни Хатирчи ва Навбаҳор райони пахтакорлари унутмасликлари, чигит экишни уюшқоқлик ва ишчанлик билан олиб боришлари керак.

А. ШАРИПОВ,
Навоий область қишлоқ хўжалиги бошқармаси пахта уруғчилиги бўлими бошлиғи.

А. ҚОРЖОВОВ,
«Совет Ўзбекистони» мухбири.

РЕКЛАМА ЭЪЛОНЛАР

В. И. ЛЕНИН НОМЛИ ТОШКЕНТ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ
ВАКАНТ ВАЗИФАЛАРГА

КОНКУРС ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

кафедра мудирлари: механика ва амалий математика факультетида умумий математика, табиий бирикмалар химияси, фалсафа-экономика факультетида фалсафа, совет жиноят ҳуқуқи, совет ҳуқуқи, маъмурий ва молиявий ҳуқуқ, ўзбек тилшунослиги, ҳинд филологияси;

кафедра профессори: биофизика ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш;

кафедра доцентлари: умумий физика (физик бўлмаганлар учун), умумий физика (физиклар учун), ядро физикаси ва космик нурлар, функционал анализ, эҳтимоллик назарияси ва математик статистика, фалсафа-экономика факультетида фалсафа, тайёрлов бўлимида ижтимоий фанлар, совет жиноят ҳуқуқи, инглиз филологияси;

кафедра катта ўқитувчилари: СССР тарихи, алгебра ва сонлар назарияси, инглиз филологияси;

кафедра ўқитувчилари: рус тили диалектологияси ва тарихи, чет эллик гражданлар учун тайёрлов факультетида рус тили, жисмоний тарбия ва спорт (2 ўрин).

КОНКУРС МУДДАТИ — эълон чиққан кундан бошлаб бир ой.

Мурожаат учун адрес: 700095, Тошкент шаҳри, 95-алоқа бўлими, Студентлар шаҳарчаси, ТошДУ маъмурий биноси, 6-қават, 63-хона, кадрлар бўлими, телефон 46-02-22.

В. И. ЛЕНИН НОМЛИ ТОШКЕНТ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ
1985—1986 ўқув йили учун
ФАКУЛЬТЕТЛАРНИНГ ҚУЙИДАГИ ИХТИСОСЛАРИ БЎЙИЧА СИРТҚИ БЎЛИМЛАРГА

СТУДЕНТЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

ОНА ТИЛИ ВА АДАБИЁТ, РУС ТИЛИ ВА АДАБИЁТИ, ТАРИХ, ЖУРНАЛИСТИКА, ҲУҚУҚШУНОСЛИК, ГЕОГРАФИЯ, ҚУРУҚЛИК ГИДРОЛОГИЯСИ ВА ТУПРОҚШУНОСЛИК.

Ариза ва ҳужжатлар қабул қилинмоқда.

Аризага қуйидаги ҳужжатлар қўшиб топширилади: ўрта маълумоти тўғрисида ҳужжат (асл нусхаси), иш жойидан характеристика (Совет Армияси сафида хизматни ўтаб қайтган абитуриентлар ҳарбий қисм қўмондонлиги томонидан ёзилган характеристикани), меҳнат дафтарчасидан кўчирма (тасдиқланган), турар жойидан справка, 086/У формадаги медицина справкаси, 3х4 см. ҳажмидаги 6 дона фотосурат.

Кириш имтиҳонлари икки турда ўтказилади: биринчи тур — 1—20 июль кунлари, иккинчи тур — 10—25 август кунлари.

Она тили ва адабиёт, рус тили ва адабиёти, тарих, журналистика ва ҳуқуқшунослик факультетига кирувчи абитуриентлар қуйидаги фанлардан кириш имтиҳонлари топширадилар: она тили ва адабиёт (ёзма ва оғзаки), СССР тарихи (оғзаки), чет тили (оғзаки).

География факультетига кирувчилар қуйидаги фанлардан имтиҳон топширадилар: математика (ёзма), она тили ва адабиёт (ёзма), география (оғзаки), СССР тарихи (оғзаки).

Қуруқлик гидрологияси факультетига кирувчилар қуйидаги фанлардан имтиҳон топширадилар: математика (ёзма ва оғзаки), физика (оғзаки), она тили ва адабиёт (ёзма ва оғзаки).

Тупроқшунослик факультетига кирувчилар қуйидаги фанлардан имтиҳон топширадилар: биология (оғзаки), физика (ёзма), химия (оғзаки), она тили ва адабиёт (ёзма).

ТАНЛАНГАН ЎҚИШ ИХТИСОСИ БЎЙИЧА ИШЛАЁТГАН АБИТУРИЕНТЛАР ҚАБУЛ ВАҚТИДА ҚЎШИМЧА ИМТИЁЗГА ЭГА БЎЛАДИЛАР.

Мурожаат этиш учун адрес: 700095, Тошкент шаҳри, Студентлар шаҳарчаси, ТошДУ, сиртқи бўлим қабул комиссияси, телефон 46-36-06.

Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг
ЎСИМЛИКЛАР ЭКСПЕРИМЕНТАЛ БИОЛОГИЯСИ ИНСТИТУТИ
ВАКАНТ ВАЗИФАЛАРГА

КОНКУРС ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

катта илмий ходим: вилтга бардошлик генетикаси (хўжалик шартномаси бўйича);

кичик илмий ходимлар (илмий даражасиз): оқсиллар ва липидлар биохимияси, биохимия мутахассислиги бўйича, амалий генетика, зона тажриба-ишлаб чиқариш лабораторияси (хўжалик шартномаси бўйича — 2 ўрин).

Конкурс муддати — 1 майгача.

Ҳужжатлар қуйидаги адресга юборилсин: 700125, Тошкент шаҳри, Ф. Хўжаев кўчаси, 28-уй. Телефон 62-05-27.

«УЗГИПРОВОДХОЗ» ИНСТИТУТИНИНГ ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ БЎЛИМИ
лабораториялар ва секторлар бўйича
ВАКАНТ ВАЗИФАЛАРГА

КОНКУРС ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

мудирлар, катта илмий ходимлар: мелиорация жараёнлари тадқиқотлари, мелиорация системалари конструкцияларининг натурали тадқиқотлари, гидравлика ва узан жараёнлари;

мудирлар: қурилиш материаллари, бошқариш системаларини автоматлаштириш;

катта илмий ходим: пластмассаларни қўллаш.

Конкурс муддати — 13 майгача.

Ҳужжатлар қуйидаги адресга юборилсин: Тошкент шаҳри, У. Юсупов кўчаси, 1-уй.

Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг
А. С. ПУШКИН НОМЛИ ТИЛ ВА АДАБИЁТ ИНСТИТУТИ
вакант вазифаларга

КОНКУРС ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

бўлим катта илмий ходими (фан кандидати): рус тили;

бўлим кичик илмий ходимлари: рус тили (2 ўрин), адабий алоқалар ва таржима назарияси (2), ўзбек фольклори (фан кандидати).

Конкурс муддати эълон чиққан кундан бошлаб 10 кун.

Ҳужжатлар қуйидаги адресга юборилсин: 700170, Тошкент шаҳри, Академик И. Мўминов кўчаси, 9-уй, илмий секретарга.

«ПАХТАКОР» МАРКАЗИЙ СТАДИОНИДА
29 апрель соат 19.00 да СССР БИРИНЧИЛИГИ ЎЧУН
«ПАХТАКОР» (Тошкент — «КУЗБАСС» (Кемерово)
КОМАНДАЛАРИ ЎРТАСИДА

ФУТБОЛ

ФУТБОЛ ИШҚИБОЗЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

«Пахтакор» марказий стадиони кассаларида олдиндан билет сотиш ташкил этилган.

Коллектив бўлиб келиш учун заявкалар қабул қилинади.

Тошкент давлат университети ректорати, жамоат ташкилотлари ва шарқ факультети коллективи шарқ факультетининг декан ўринбосари, Ҳорижий Шарқ мамлакатлари тарихи кафедраси доценти Р. Қодировга отаси

Абдуқодир РУЗИЕВнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қиладилар.

КИТОБ ЖАВОНИНГИЗГА

ХАЛҚЛАР ДЎСТЛИГИ ОРДЕНЛИ «ЎЗБЕКИСТОН» НАШРИЁТИ ҚУЙИДАГИ КИТОБЛАРНИ НАШР ЭТДИ:

Ф. ЭНГЕЛЬС. Маймуннинг одамга айланиш процессида меҳнатнинг роли. 20 бет. Баҳоси 3 тийин (ўзбек тилида).

Рисоладан шу номли асар текстн, изоҳлар, исмлар кўрсатиқичи ўрин олган.

В. И. ЛЕНИН. Пролетар революцияси ва ренегат Каутский. 119 бет. Баҳоси 15 тийин (ўзбек тилида).

В. И. Ленин бу асарида социалистик революция ва ишчилар синфининг диктатураси зарурлигини инкор этган Каутский ҳамда бошқа оппортунистларнинг ревизионистик қарашларини фош қилган.

АВТОРЛАР КОЛЛЕКТИВИ. В. И. Ленин музейи. Йўл кўрсаткич. 96 бет. Баҳоси 1 сўм 20 тийин (ўзбек, рус, инглиз тилларида).

Бу суратли китоб В. И. Ленин Марказий музейининг Тошкент филиали ҳақида. Ундаги йигирмата залдаги 3000 дан кўпроқ экспонат улуғ доҳий В. И. Ленининг ҳаёти ва курашини чуқур, ҳар томонлама ўрганиш имконини беради.

Г. Н. СКОПЦОВ. Иқтисод ва тежамкорлик учун кураш. 56 бет. Баҳоси 10 тийин (рус тилида).

Китобча ўқувчиларни Тошкент тикувчилик ишлаб чиқариш бирлашмаси партия комитетининг иқтисод ва тежамкорлик режимини идеологик жиҳатдан таъминлаш соҳасида олиб бораётган ишлари билан таништиради.

М. Н. НОЧЕВНИК. Муомала маданияти ва одоб. 192 бет. Баҳоси 40 тийин (рус тилида).

Китобдан ҳаёт ва ишлаб чиқариш шароитида муомала ва одоб-ахлоқ хусусида кўпдан кўп мисол ва тавсиялар ўқийсиз.

М. С. ВОСИҚОВА. Совет гражданлари ҳуқуқ ва бурчларининг бирлиги. 53 бет. Баҳоси 10 тийин (ўзбек тилида).

Китобчада Совет Конституцияси ва унга асосланган қонунларда СССР гражданларига берилган асосий ҳуқуқлар, эркинликлар ва бурчларнинг мазмуни ёритилган.

ЁЗУВЧИ МИНБАРИ

ҚЎШИҚ МАДАНИЯТИ

Мамлакатимизда маданиятнинг барча соҳалари бирдай ривожланиб боряпти. Шу жумладан, Ўзбекистонда ҳам маданий ҳаёт ҳар қачонгидан баланд поғонага кўтарилди. Бадиий маданият — адабиёт, музика, театр, ҳайкалтарошлик, архитектура, рассомлик санъатлари янгича мазмун, янгича шакл касб этиб, муттасил равнақ топмоқда. Лекин бу юксалишга, ютуқларга соя солиб турган жиҳатлар ҳам йўқ эмас. Бу айрим санъаткорлар ижодида замон талабларига мос маданият етишмаётганлигида кўринади.

Санъат, бу — маданиятнинг бир тармоғи экан, унда замон билан боғлиқ маданият талаблари бўлиши табиийдир. Биз бу масалада санъат турларидан фақат қўшиқ ва театр санъатига кўз ташламоқчимиз.

Қўшиқчилик санъати ҳақида кўп гапирилади, муноза-ралар ҳам бўляпти. Бу бежиз эмас, албатта. Чунки, у ҳамманинг эътиборида. Аммо айрим қўшиқлар мазмунида маданият йўқ. Баъзи қўшиқларда ҳатто қўпол, яланғоч сўзларга дуч келамиз.

Қўй кабн ювош эканман, жонгинам,
Ташладим бўйнингга арқон севгидан.

Бу мисол бир тўйда хонанда Худойқул Сафаров айтган қўшиқдан келтирилди. Севгининг ўзига монанд ёқимли ва жозибадор тасвири бор-ку. Наҳотки, ёр қўйга-ю, севги арқонга ўхшатилса?!

Яна бир қўшиқда:

Олди лабим лабингдан шарбат,
Шарбат бериб қилдингми роҳат!

дейилади. Бу — қўшиқдаги энг пардали сатрлар.

Қўшиқнинг яхши қўшиқ бўлишида музика асосий омил эканлиги маълум. Кўпчилик қулоғига ёқмаган музикани бастакор минг мақтагани билан биров уни тингламайди. Бунинг боиси нимада эканлигини билмоқ учун ижодкор музика маданиятининг қадимий халқчил анъаналарини эсламоғи, ундаги турли тойфа тингловчиларни мафтун этган пардаларни илғаб олмоғи, улардаги миллийлик ва интернационалликка хос оҳангни тушунмоғи ва шунга амал қилмоғи лозим. Рус халқи ва бошқа қардошларимизнинг энг яхши музикаларини турли халқлар, шу жумладан, ўзбек халқи ҳам севиб тинглаётганлиги бунга ёрқин мисол бўла олади. Бу музиканинг халқчиллиги ва маданий даражасидан далолатдир.

Ўзбек музика санъатида мана шу хусусиятга амал қилиб яратилган музика намуналари бор. Илгари опера жанрида ёзилган «Лайли ва Мажнун», «Майсаранинг иши», «Гулсара» каби асарлардаги музика фақат ўзбек тингловчиларигагина эмас, Европа халқларига ҳам манзур бўлган. Кейинги вақтларда балет музикаларида ҳам шундай яхши хусусиятлар кўринди. Лекин бундай асарлар кам. Очиғини айтиш керак. Музика асарларимизнинг ҳаммаси ҳам халқимиз талабига, дидига, завқига унчалик мос тушмаяпти. Баъзи композиторлар «Замонавий куй ёзяпмиз» деб халққа манзур бўлмайдиган музикалар яратяптилар. Яна гап музика маданияти савиясига, шу асосда халқчиллик, миллийлик ва интернационаллик бўлиши кераклигига бориб тақалади.

Музика маданиятидаги, айниқса, жаз оркестри, эстраданинг баъзи музикаларидаги қуруқ, маъносиз тарақа-туруқлар ҳам кишиларга ёқмаётганлиги ҳақида гапиряпти. Шуни очиқ айтиш керакки, қулоққа ёқмайдиган ҳар қандай қуруқ шовқин асосидаги музика санъат эмас. Карнай, ноғора, сурнай овозлари шовқинли бўлса ҳам бу овозлар кишиларга ёқади. Чунки, уларда шодлик, байрам маросимларини эслатадиган жозиба бор. Музика маданиятимизда ва санъатимизда шуларга эътибор берилса, у замонавий халқчил бўлади, халқ музика санъатига уйғунлашади.

Қўшиқни ташвиқ қилувчи санъаткор бу хонандадир. Шунинг учун унинг шахсиятида ҳам, қўшиқ танлашида ҳам, ижросида ҳам маданият бўлиши керак. Баъзи хонандалар қўшиқ танлашда унинг мазмунига эътибор бермайдилар. Маъносига тушунмасдан ижро этаверадилар. Яна баъзилари эса қўшиқ айтганда ўринсиз бақириб қулоқни қоматга келтирадилар. Бу билан қўшиқдан олинадиган эстетик завқ ва оромдан кишини маҳрум қиладилар. Бу ҳам маданиятсизликнинг бир кўринишидир.

Санъаткор биринчи галда маданият улашувчидир. Унинг қўшиғи ҳам, музикаси ҳам, саҳнада ўзини қандай тута билиши, ҳатто кийиниши, муомаласи ҳам бирдай илҳомбахш бўлиши керак. Халқ даврасида куйлаш ижодкор учун мукаддас шараф. Ана шу масъулиятлар қалбдан астойдил ҳис этилгандагина санъаткор муваффақиятга эриша олади. Бу замон тақозоси, маданий ҳаётимиз ва халқимиз талабидир.

Ўткир РАШИД.

● СПОРТ ● СПОРТ ● СПОРТ ● СПОРТ ● СПОРТ ● СПОРТ ● СПОРТ ● СПОРТ ● СПОРТ



Суратда: С. Заболотнов. ТАСС фотохроникаси.

ОРДЕНЛИ СУЗУВЧИ

СССР Олий Совети Президиумининг Фармонига мувофиқ физкультура ва спортни ривожлантиришдаги катта муваффақиятлари учун спортчилар, тренерлар, физкультура ва спорт ходимларидан бир группаси СССР орден ва медаллари билан мукофотланди. СССРда хизмат кўрсатган спорт мастери, жаҳон рекордчиси тошкентлик Сергей ЗАБОЛОТНОВ Халқлар дўстлиги ордени билан тақдирланди.

Иттифоқ ва халқаро миқёсдаги мусобақаларда ажойиб ютуқларни қўлга киритиб, ўз муваффақиятларига оддий воқеадек қаровчи камтар ва камсуқум сузувчи Сергей Заболотнов ҳақида кўп гапириш мумкин. Сергей энг йирик ютуқни ўтган йили «Дўстлик-84» халқаро мусобақасида қўлга киритди. У Москвадаги «Олимпийск» сув бассейнида ўтказилган мусобақада жаҳон рекордини ўрнатиб, муҳлису мутахассисларни мамнун этди. Жаҳонда биринчи бўлиб мазкур масофада икки минутдан камроқ натижа — 1 минут 58,41 секунд кўрсатиш билан америкалик Р. Кэйри рекордидан 0,45 секундга ўзди. Бу билан тезкор ва чапдаст сузувчи сифатида жаҳонда ягона спортчи бўлиб қолди.

— Умуман, Сергейнинг чалқанча сузувчилар ўртасида эришиб келинаётган икки минут ва ундан ортиқроқ натижани янгилашга тайёр эканини сезиб юрардим, — дейди устози Олег Цветов. —У «Дўстлик-84» халқаро мусобақасига тайёргарлик кезлари ажиб ютуқлари билан бизни кувонтириб, ҳайратга солиб турди. Фақат рекорд учун жисмоний қуввати-ю маҳорати юқори бўлса-да, қандайдир руҳий говдан ўтолмай юрди. Зотан, йирик баҳсда шиддат кўрсатишига қодирлиги унинг ҳаракатларидан намоён бўлиб турарди...

«Динамо» кўнгилли спорт жамияти республика совети раисининг ўринбосари Алексей Ростовнинг таъбири билан айтганда йирик муваффақият Сергейнинг ўжарлиги, яъни чўрт кесиб, айтганини қилиши туфайли юзага келди.

«Маълум бўлишича, — деб ҳикоя қилади А. Ростов, — сузувчимиз 200 метрли масофани икки минутдан кам вақт ичида сузиб ўтиш ахдини кўнглига тугиб қўйгани, ҳал қилувчи мусобақада эса бор куч ва маҳоратини ишга солиб, марра сари астойдил интилгани ҳам унинг қатъиятидан. Уни: сен шундай қилгин, уриниб кўргин деб йўлга солинганда ҳамма иш тескари бўлиб чиқиши ҳам ҳеч гап эмасди. Машқ пайтида ҳам шундай, ўзини аяшни билмайди, терлаб-пишади. Кейин кутилмаганда дам олишга чоғланади. Устози эса машқдаги узлуксизликка эришолмай жони халак бўлиб юраверади».

Лекин Сергей Заболотнов меҳрибон тренерининг унга катта умид боғлаганлигини яхши биларди: «Сен биринчи бўлишинг керак. Бундан қаттиқ сенга ҳам, менга ҳам керакмас. Бироқ ҳар қачонгидан ҳам жиддийроқ шуғулланишга тўғри келади». Устозимнинг бу гаплари маъносига кейинчалик тушундим. Мен ҳам ўз ўрнида ҳар қандай қийинчиликка тайёрлигимни билдирдим. Устознинг аслида мендан нимани талаб қилаётганлигини ҳақиқий машғулотлар бошлангандагина пайқадим. Тренернинг ҳақлигини билардиму бироқ кўпинча ўзимни енголмай қолардим.

Сергей Заболотнов биринчилик учун ҳал қилувчи мусобақада ҳамма имкониятлардан тўлиқ фойдаланишга эришди. Унинг меҳнатлари юксак тақдирланди.

Ҳ. НОСИРОВ.

ЁШЛАР ИЖОДКОРЛИГИ

Республикамиз пойтахти қадимий ва ҳозирги замон музика маданияти муаммоларини ўрганаётган ёш тадқиқотчиларни кутиб олди. Шу кунларда Тошкентда «Шарқ халқлари музика маданияти проблемалари» мавзуида Бутуниттифоқ студентлар илмий-назарий конференцияси давом этмоқда. У Мухтор Ашрафий номидаги Тошкент давлат консерваторияси базасида ўтказиляпти.

Конференция ишида мамлакатимизнинг Москва, Ленинград, Тбилиси, Ереван, Қозон давлат консерваториялари каби ўндан зиёд йирик музика олий ўқув юртларининг иқтидорли студентлари ва аспирантлари иштирок этмоқдалар. Улар Шарқ халқлари музика маданиятини ўрганишнинг умумий проблемалари ва истиқболлари, музика меросини тадқиқ қилишнинг муаммолари ҳамда Шарқ халқлари музика маданиятининг ҳозирги даврдаги аҳволи масалалари хусусида қизиқарли докладлар қилмоқдалар ва ахборотлар бермоқдалар.

Конференция бугун ўз ишини якунлайди.

Редактор
Л. ҚАЮМОВ.

ОБ-ҲАВО

Бугун ҳаво ўзгариб туради, ёғингарчилик бўлмайди. Фақат Қашқадарё, Сурхондарё областларининг тоғли районлари, Қорақалпоғистон АССР ва Хоразм областида момақалдироқ бўлиб, қисқа муддатли ёмғир ёғиши кутилади. Шарқдан эсган шамол йўналиши ғарб томонга ўзгариб, тезлиги секундига 9-14 метрга етади. Қорақалпоғистон АССР ва Хоразм областида 22-27, қолган ерларда 28-33, жанубда 35 даражагача иссиқ бўлади.

Тошкентда ҳаво бир оз булутли бўлади. Шарқдан секундига 5-10 метр тезликда шамол эсади. Кечаси 15—17, кундузи 32 даражагача иссиқ бўлади.

ТЕЛЕВИДЕНИЕ

26 АПРЕЛЬ, ЖУМА

МОСКВА-I. 9.00— «Время». 9.50— «Ғалаба стратегияси». 11-фильм. 2-қисм. 10.55 — Концерт. 11.25— «Қийшиқ ойналар қироллиги». Бадиий фильм. 13.05 ва 15.00— Янгиликлар. 15.20 — Телефильм. 15.40— «Рус тили». 16.10— «Россияда 1905—1907 йиллардаги революциянинг 80 йиллигига». 16.40— «Москва, фестиваль». 17.10— «Сизга манзур адабиётлар». 17.55 Мультфильм. 18.10— Ю. А. Жуков суҳбати. 18.40— Хоккей. Канада — СССР. 20.15— «Ғалаба стратегияси». 12-фильм. 21.30— «Время». 22,15 — Шоир Е. Долматовскийнинг авторлик кечаси.

МОСКВА-II. 9.00— Гимнастика. 9.15— «Бир дуэт тарихи». 9.35— Тарих. 10.05— Инглиз тили. 11.05— «Умумий биология». 11.35— Тарих. 12.05— «Илмий-оммабоп фильмлар». 13.10 — Физика. 13.40 — Зоология. 14.35— Тележурнал. 15.20— Б. Васильев асарлари саҳифаларида. 16.10 —«Илмий-оммабоп фильм». 16.40 ва 18.30 — Янгиликлар. 18.50— Киноочерк. 19.05 — Ритмик гимнастика. 19.35 — Ўқитувчига — музика сабоғи. 20.30 —«Хайрли тун, кичкинтойлар». 20.45 — Футбол. «Спартак» — «Динамо» (Тб). 21.30 — «Время». 22.15— «Бизнинг истеъдодимиз». Бадиий фильм 3-серия. 23.20— Классик курош бўйича СССР чемпионати.

ТОШКЕНТ-I. 18.00 — Янгиликлар. 18.15— Афғонистоннинг миллий байрамига. 19.00 — Футбол. «Пахтакор» — АСК (Хабаровск). 20.50— «Ахборот». 21.10— Ҳужжатли фильм. 21.30— «Время». 22.15— «Дунё воқеалари». 22.45— «Оламга саёҳат». 23.50— Янгиликлар.

ТОШКЕНТ-II. 9.00—16.45 МОСКВА-II. 18.20— Ўқитувчилар учун консультация. 18.50 — Ҳужжатли фильм. 19.00— Буюк Ғалабанинг 40 йиллигига. 19.30 Телефильм. 19.50— Реклама. 20.00— Тошкент янгиликлари. 20,20— «Ҳуқуқ-тартиботни мустаҳкамлаш — умумхалқ иши». 20.50— Телефильм. 21.10— «Қишлоқ ҳаёти». 21.30— Москва-II.

РАДИО

26 АПРЕЛЬ, ЖУМА

БИРИНЧИ ПРОГРАММА. 8.30 — «Бир жуфт қўшиқ». 9.30— Концерт. 11.15 — «Голиблар». 12.10 — «Узбекистан индустриальний». 13.00 — «Чорвадор». 14.00 — Қишлоқ меҳнаткашлари учун эшиттириш. 15.40 — «Бизнинг пионер галстугимиз». 16.00 — Социалистик мамлакатлардан программа. 17.00 — Мактаб ўқувчилари учун эшиттириш. 18.15 — «Юность». 19.25 — «Ёшлик». 20.15 — Футбол. «Пахтакор» — АСК (Хабаровск). 20.50 — Концерт. 22.30 — «Саҳна санъати усталари».

СОВЕТ УЗБЕКИСТОНИ

Орган ЦК Компартии Узбекистана, Верховного Совета и Совета Министров Узбекской ССР.



Редакция адреси: 700047, Тошкент, Ленинград кўчаси, 32.

Хатлар ва оммавий ишлар бўлими телефонлари — 33-21-43, 32-53 16, 32-53-20, 32-53-21, 33-11-49, 32-54-06.